

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ”
КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси
мудир
_____ *О.Тошпулатов*
“ _____ ” _____ *2016 йил*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ
тушунтириш-ҳисоблаш хати ёзуви

Битирув малакавий ишининг мавзуси:

Мавзу: Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар
ҳисоби (Фарғона политехника институти мисолида)

Битирув-малакавий иши таркиби:

Тушунтириш-ҳисоблаш хати: _____ бет.

Битирувчи:

49-12 (БХ ва А) гуруҳ талабаси
Абдукаримов Абдухолик
Абдувакқос ўғли

Раҳбар:

кат.ўқит. Эрматов А.А.

Ф а р ғ о н а – 2016 йил

МУНДАРИЖА

Бет

КИРИШ.

**I БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ.**

**1.1. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг
вазифалари ва мазмуни.**

**1.2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджет
ташкилотларини молиялаштириш.**

**1.3. Ҳаражатлар сметаси ижросини бухгалтерия ҳужжатларида
акс эттириш.**

**1.4. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар
режасини қўллаш тартиби.**

**II БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ДАРОМАДЛАР ВА
ҲАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ.**

2.1. Бюджетдан ташқари маблағлар ва уларнинг турлари.

**2.2. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш фонди
маблағлари бўйича даромадлар ҳисоби.**

2.3. Бюджет ташкилотларида касса ҳаражатлар ҳисоби.

2.4. Бюджет ташкилотларида ҳақиқий ҳаражатлар ҳисоби.

**III БОБ. ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ДАРОМАДЛАРИ ВА ҲАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИ.**

**3.1. Фарғона политехника институти ва унинг фаолияти
тўғрисида маълумот.**

3.2. Фарғона политехника институти даромадлари ҳисоби.

3.3. Фарғона политехника институти ҳаражатлари ҳисоби.

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Илова.

Кириш

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар қатори давлат муассасалари фаолиятида ҳам бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг роли ва ўрни ортиб бормоқда.

Ҳар бир иқтисодий формация пул муносабатларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш усуллари, давлат функцияларининг табиати давлатнинг даромад тизимига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатни модернизация қилиш шароитида давлатнинг молиявий соғломлаштириши молиявий ресурслар ҳолатига боғлиқ бўлмоқда. Шунингдек, бюджет иқтисодий категория сифатида ишлаб чиқариш муносабатларининг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига ҳам фаол таъсир этиб келмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий механизмнинг бозор муносабатлари асосида қайта кўрилиб чиқилиши, мулк шаклларини ўзгартириш янги бозор муносабатлари асосида амалга оширилиб борилмоқда. Бу ўзгаришлар бюджет тизимига бевосита боғлиқ бўлмоқда. Ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг янада ривожлантирилиши шароитида ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби бюджет тизимида ҳам чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда 2169 сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда) мувофиқ бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишни тартибга солади.

“Бюджет ташкилотлари даромадлари ва ҳаражатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Низом 23.12.1999 йил N859 сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва 21.12.1999 йил N100 сон билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан

тасдиқланган бўлиб, 15.12.1999 йил N 153-В Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва 20.12.1999 йил N 99-137 Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сонли қарори ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган юридик шахс мақомини олган ҳамда олмаган барча вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан даромадлар ва ҳаражатларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда ҳисоботларни тузиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг (кейинги ўринларда бюджет ташкилотлари деб юритилади) даромадлари ва ҳаражатларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг I боб Умумий қоидалар бўлимида:

1. Мазкур Низом билан бюджет ташкилотларининг қуйидаги даромадлари ва ҳаражатларининг (кейинги ўринларда бюджетдан ташқари маблағлари деб юритилади) бухгалтерия ҳисоби юритилиши тартибга солинади:

- бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;
- тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

➤ таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар.

2. Юридик шахс бўлган бюджет ташкилотлари учун қуйидаги ҳисобварақлар (шахсий ғазна ҳисобварақлари) очилади:

а) банклар томонидан (ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари учун):

- бюджет маблағлари бўйича ҳисобварақлар;
- бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварақлар;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳисобварақлар;

б) молия органлари томонидан (ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари учун):

- бюджет маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари;
- бюджетдан ташқари маблағлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварақлари;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шахсий ғазна ҳисобварақлари.

3. Бюджет ташкилотларининг молия йилида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағлари кейинги молия йилига ўтади ҳамда улардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади. Ўтган молия йилида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағлар кейинги молия йилида қайта тақсимланмай ўша мақсадларда фойдаланилади.

4. Бюджет ташкилоти қайта ташкил этилган (қўшиб юборилган, қўшиб олинган, ўзгартирилган) ҳолларда, бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварақларидаги (шахсий ғазна ҳисобварақларидаги) қолдиқ маблағлар қайта ташкил этилган бюджет ташкилоти тасарруфида қолади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Бюджет ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаш ҳаражатлари тўхтатилган ҳолларда, бюджетдан ташқари маблағлар қолдиғи мазкур ташкилот тасарруфида қолади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6. Тугатилган бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварақларидаги (шахсий ғазна ҳисобварақларидаги) маблағлар қолдиғи белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадларига ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Битирув малакавий ишини ёритиш давомида илова сифатида Фарғона политехника институтининг 2015-2016 йиллар давомидаги бухгалтерия ҳужжатлари олинди. Бу бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда битирув малакавий иши мавзусига мувофиқ тарзда Фарғона политехника институтининг 2015-2016 йилларда амалга оширган даромадлар ва ҳаражатларини таҳлил қилиб чиқамиз.

Битирув малакавий ишнинг биринчи бобда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва мазмуни ва иқтисодийтни модернизация қилиш шароитида бюджет ташкилотларини молиялаштириш бўйича назарий маълумотлар берилади. Бу маълумотларни беришдан мақсад бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритишни мақсади ва бугунги кунда бюджет ташкилотларини давлат томонидан қай тарзда молиялаштирилаётгани ҳақида назарий жиҳатларини тўлиқ очиб берилишига эришишдир.

Иккинчи бобда эса бюджет ташкилотларида даромадлар ҳисоби ҳақида сўз юритилади. Бу бобда бюджет ташкилотларида даромадлар ҳақида, бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари ва бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди ҳисоби ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу бобда битирув малакавий иш учун илова сифатида маълумотлари келтирилган Фарғона политехника институтининг даромадлари ҳисоби ҳақида маълумот келтирилган.

Битирув малакавий ишнинг сўнги бобда бюджет ташкилотларида ҳаражатлар ҳисоби ҳақида сўз юритилади. Бу бобни ўқиб чиққандан сўнг бюджет ташкилотларида ҳаражатлар ҳисоби ҳақида ва бу ҳаражатлар қайси ҳаражатлар эканлиги ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Бу сўнги бобда

малакавий иш учун илова сифатида маълумотлари келтирилган Фарғона политехника институтининг харажатлари ҳисоби ҳақида маълумот келтирилган.

I БОБ. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ.

1.1. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва мазмуни.

Бюджет ташкилоти - бу зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилотидир. Бюджет ташкилотларига давлат ташкилотлари, мактаблар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, касалхоналар, поликлиникалар, болалар боғчалари, болалар ясилари ва бошқалар киради. Ҳозир, юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларига қўшимча равишда қуйидаги бюджет ташкилотлари ва муассасаларига юридик шахс мақоми берилиши мумкин:

1. Касб-ҳунар коллежларига, академик лицейларга, касб-ҳунар- техника билим юртларига ва болалар уйларига;

2. Талабалар сони 400 кишидан кам бўлмаган умумтаълим мактабларининг ҳамма турларига, гимназияларга, лицейларга ва мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларига;

3. Талабалар сони 200 кишидан кам бўлмаган интернатларга;

4. 350 кишидан кам бўлмаган контингенти бўлган мактабгача болалар муассасаларига;

5. Вилоят ва туман (шаҳар) аҳамиятидаги мактабдан ташқари муассасаларга;

6. Касалхоналарга (махсус марказларни ҳам ўз ичига олади), туғиш уйларига, тиббий-санитария қисмларига, диспансерларга, поликлиникаларга;

7. Болалар уйларига, болалар санаторияларига, катталар учун сил касалликлари санаторияларига;

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 мартдаги 100-сонли қарорига кўра тажриба тартибида очилган қишлоқ врачлик пунктларига юридик шахс мақоми берилиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган бюджет ташкилотларига юридик шахс мақоми профили бўйича хўжалик фаолияти билан шуғулланиш учун моддий-техника базаси ва шароити бўлганда ҳамда бухгалтерия кадрлари бўлгандагина берилади.

Бюджет ҳисоби ёки давлат бюджети ижросини бухгалтерия ҳисоби бизнинг республикамизда ягона халқ хўжалик ҳисобининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Бюджет ҳисоби - мамлакат давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисобидир. Бюджет ҳисоби давлат бюджети ижроси билан боғлиқ бўлган ҳамма операцияларни қамраб олади ва унинг ижроси жараёнида бюджетнинг ҳолатини характерлашни таъминлайди. Бюджет ҳисоби орқали халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети билан ўзаро алоқасини ақс эттирилади. Бухгалтерия ҳисоби воситасида банк муассасаларидаги ҳисобварақларда бюджетнинг пул маблағлари, бюджетнинг даромадлари ва ҳаражатлари, ҳисоб-китоблардаги маблағлар, бюджет ижроси жараёнида ташкил қилинадиган фондлар ва захиралар ҳамда бюджет ташкилотларининг моддий қийматликлари ақс эттирилади. Бюджет ҳисобининг тўғридан-тўғри объектлари бўлиб - бюджетнинг даромадлари, ҳаражатлари ва пул маблағлари, бюджет ижроси жараёнида уларнинг ҳаракати ҳамда бюджетдан молиялаштиришда турувчи бюджет ташкилотларининг моддий қийматликлари ҳисобланади. Бюджет ҳисобининг вазифаси бўлиб - маҳаллий бюджетларни, республика бюджетини ва мамлакатнинг умуман давлат бюджетини даромадлар ва ҳаражатлар бўйича режасини бажарилишини ўз вақтида, тўла ва аниқ қайд қилишни таъминлаш ҳисобланади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини мақсади бўлиб - фойдаланувчиларни тўла, аниқ ва ўз вақтида молиявий ва бошқа бухгалтерия маълумотлари билан таъминлаш ҳисобланади.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифаси бўлиб - бухгалтерия ҳисоби счётларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ҳолати тўғрисидаги тўла ва аниқ маълумотларни шакллантириш; самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш ҳамда молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. *Бухгалтерия ҳисобининг икки ёқлама ёзиш усули билан юритиш принципи* хўжалик юритувчи субъект ва бюджет ташкилотлари бухгалтерия операцияларини икки ёқлама ёзиш асосида рўйхатга олиб бориш кераклигини билдиради. Икки ёқлама ёзиш тизими айнан бир операциянинг суммасини бир вақтни ўзида бухгалтерия ҳисобининг икки счётига - бирининг дебетига ва бошқасининг кредитига акс эттирилишидан иборат бўлади.

2. *Бухгалтерия ҳисобининг узлуксизлик принципи* хўжалик юритувчи субъект ва бюджет ташкилоти доимий фаолият кўрсатадиган ва номаълум узок муддатгача ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлишлигини ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъектнинг ва бюджет ташкилотининг фаолият кўрсатиш муддатига мос келиши кераклигини билдиради.

3. *Хўжалик операцияларини, активларни ва пассивларни пулда баҳоланиши принципи* барча хўжалик операциялари, ходисалар, активлар ва пассивлар ягона, бир турдаги пул баҳосида ўлчаниши кераклигини билдиради. Ўзбекистон Республикасида пул ўлчови бўлиб сўм ва унинг қисми тийин ҳисобланади.

4. *Бухгалтерия ҳисобининг ишончлилик принципи* ахборот, қачонки унда жиддий ёки олдиндан ўйлаб киритилган ҳатолар бўлмаса ҳамда

фойдаланувчилар унга ишонсалар, ишончли ҳисобланишни билдиради. Хўжалик операцияларининг ёки ҳодисаларнинг ишончли бошланғич ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши керак.

5. *Эҳтиёткорлик принципи (ёки консерватизм)* ҳисоботда активлар ва даромадлар орттирилган ҳолда баҳоланишига ва мажбуриятлар ёки ҳаражатлар пасайтирилган ҳолда баҳоланишига йўл қўйилмасликни англатади.

6. *Мазмуннинг шаклдан устунлиги принципи* агар ахборотлар ҳисоб ҳужжатларида ва ҳисоботларда операциялар ва ҳодисаларнинг мазмунини ишончли акс эттирса, бу ахборотлар ҳисобга олинган ва ҳисоботда тақдим этилган бўлишлигини билдиради.

7. *Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги принципи* ахборотлар нафли ва мазмунли бўлиши учун у ҳар хил ҳисобот даврлари учун қиёсий бўлишлигини билдиради. Ҳисобот йилида ҳисоботларни тақдим этишга бўлган ёндошувлар ўзгарганда ўтган даврга тегишли ахборотлар қиёслаш мақсадида қайта тасниф қилинган бўлиши керак. Агар амалий фикр-мулоҳазалар бўйича қайта тасниф қилиш мумкин бўлмаса, унда улар қайта тасниф қилинганида бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг сабаблари ва характери ёритилган бўлиши керак.

8. *Ҳисоботнинг бетарафлиги принципи* ҳисоботда келтирилган ахборот, унинг ишончлилигини таъминлаш учун олдиндан бичиб-тўқиб қўйишдан ҳоли бўлиши кераклигини билдиради.

9. *Ҳисобот даври даромадлари ва ҳаражатларининг мувофиқлиги принципи* муайян даврда шу давр даромадларининг олинанишини шарт қилган ҳаражатларнигина акс эттирилишини билдиради. Агар ҳаражатлар ва даромадларнинг айрим турлари ўртасида бевосита боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, ҳаражатлар бир неча ҳисобот даврлари ўртасида тақсимлашнинг бирон-бир тизими асосида тақсимланади.

10. *Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши принципи* активлар ва мажбуриятларнинг асосий баҳоланиши уларнинг таннархи ёки сотиб олинган қиймати бўлишлигини назарда тутаяди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни ташкилот раҳбари амалга оширади. Раҳбар ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқишлишини, хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини, тўлиқ ва аниқ бухгалтерия ҳисоби юритилишини, ҳисоб ҳужжатларининг сақланилишини, ташқи фойдаланувчилар учун ҳисоботни тайёрланишини, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳужжатларнинг тайёрланилишини ҳамда ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаши шарт.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг меъёрий ҳужжатларида белгиланган ягона услубиятни қўллаб, ягона тизим бўйича ташкил қилинади. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар сметаларининг ижросини бухгалтерия ҳисоби икки ёқлама ёзиш тизими бўйича олиб борилади. Бюджет ташкилотларининг катта-кичиклиги, харажатлар сметаларининг ҳажми, операциялар сони ва маълумотларни ишлаш воситаларидан фойдаланишига қараб ҳисобнинг турли шакллари (мемориал-ордер, журнал-ордер, бош-журнал ва бошқалар) қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг мемориал-ордер шакли. Бу шакл қўлланилганда айрим бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ёки гуруҳловчи ва йиғувчи ведомостлар асосида мемориал-ордерлар тузилади ва ҳар бир ордернинг умумий суммаси рўйхатга олиш журналига ёзилади. Мемориал-ордерларнинг маълумотлари бош китобга ёки бош китобнинг ўрнини оладиган назорат ведомостига ёзилади. Бунда дебет счёти бўйича корреспонденцияланувчи кредитланувчи счётлар ҳамда кредит счёти бўйича корреспонденцияланувчи дебетланувчи счётлар кўрсатилади. Ой тугагандан кейин ҳар бир счётнинг дебети ва кредити бўйича ёзувлар жами(айланмаси)ни синтетик счётлар бўйича айланма ведомостга ўтказилади. Бу ведомостнинг жами рўйхатга олиш журнали бўйича жами сумма билан солиштирилади. Мемориал-ордерларга илова қилинган ҳужжатларнинг маълумотлари бўйича аналитик ҳисоб счётлари олиб борилади; ойнинг охирида уларнинг асосида айланма ведомостлари тузилади; синтетик счётлар бўйича айланма ведомост

билан солиштирилади. Синтетик счётлар бўйича айланма ведомост асосида баланс тузилади.

Мемориал-ордер шаклининг асосий камчиликлари бўлиб, аналитик ҳисобнинг синтетик ҳисобдан алоҳидалиги, битта сумманинг кўп маротаба ёзилиши(мемориал-ордерда, рўйхатга олиш журналида, синтетик ҳисоб ва аналитик ҳисоб регистрларида), ҳисобот тузишда жорий ҳисоб маълумотларини йиғиб чиқилиши ва гуруҳлаштирилишини амалга ошириш кераклиги ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли. Вазирликлар ва идоралар айрим ҳолларда бюджет ташкилотларига ҳаражатлар сметаларининг ижросини бухгалтерия ҳисобини белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган кўрсатмалар бўлса, бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида олиб боришга рухсат бериши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли кўпгина бюджет ташкилотларида ва марказлаштирилган бухгалтерияларда қўлланилади. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли катта бюджет ташкилотлари (олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқалар)да қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг маълумотларини синтетик ва аналитик ҳисобини олиб бориш учун керак бўладиган нуқтаи назаридан келиб чиқиб, йиғиш принципларидан фойдаланишга асослангандир. Ҳисобнинг бу шаклида йиғувчи регистрларнинг икки хили қўлланилади: журнал-ордерлар ва ёрдамчи ведомостлар. Журнал-ордерларда корреспонденцияланувчи счётлар келтирилади, шунинг учун ҳам мемориал-ордерларни тузиш зарурати йўқ. Журнал-ордерларда ёзувлар хронологик тартибда олиб борилади, шунинг учун ҳам рўйхатга олиш журналини юритишни кераги бўлмайди.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг ёки ёрдамчи ва гуруҳловчи ведомостларнинг маълумотлари ҳар бир синтетик счётга алоҳида-алоҳида

юритиладиган журнал-ордерларга ёзилади. Айрим журнал-ордерлар бир нечта ўзаро алоқадор синтетик счётлар учун тайинланган бўлади. Журнал-ордерлар кредит аломати бўйича тузилган, яъни уларда ёзувлар мазкур счётнинг кредити бўйича корреспонденцияланувчи дебетланувчи счётлар билан амалга оширилади. Бюджет ташкилотининг касса ва талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варақлари бўйича операция устидан қатъий назоратни таъминлаш учун дебет бўйича махсус ведомостлар ҳам юритилади. Журнал-ордерларнинг ойлик жами бош китобга ўтказилади. Бу бош китоб мемориал-ордер шаклида олиб бориладиган бош китобдан шаклан фарқ қилади, чунки счётнинг кредити бўйича кредит айланманинг умумий суммасини корреспонденцияланувчи дебетланувчи счётлар бўйича бўлинмасдан ёзиш учун бир устун кўзда тутилган. Бундан ташқари, айланмани ёзиш учун ҳар бир ойга фақат бир қатор ажратилади; салдо кўрсатилади. Бош китоб асосида (синтетик счётлар бўйича айланма ведомост тўзмасдан) баланс тузилади.

Журнал-ордерларда кўпгина счётлар бўйича синтетик ва аналитик ҳисоблар бирга олиб борилади. Катта миқдордаги аналитик счётларга эга бўлган счётлар бўйича алоҳида аналитик ҳисоб олиб борилади. Бу аналитик счётлар бўйича айланма ёки салдо ведомостлари тузилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклида ёзувлар ва регистрлар сони қисқаради; аналитик ҳисоб синтетик ҳисоб билан яқинлаштирилади; кўпгина ҳисобот кўрсаткичларни жорий ҳисоб регистрларидан тўғридан-тўғри олиш имконияти пайдо бўлади, бу эса, ҳисоботни тузишни осонлаштиради ва тезлаштиради ҳамда ҳисоб аналитик сифатини юқори даражага кўтаради.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли камчиликларга эга бўлиб, айрим журнал-ордерларнинг тўзилишини мураккаблиги ва бесўнақайлиги бухгалтерия ҳисобида шахсий компютерларни қўлланилган ҳолларда журнал-ордерларни қўллашнинг қийинлиги ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг бош-журнал шакли. Бош-журнал шакли қўлланилганда, бухгалтерия ҳисоби китобларда ёки карточкаларда юритилади. Бу тартибни юқори ташкилотнинг бош бухгалтери белгилайди. Бунда

қуйидаги китоблар қўлланилади: “Бош-журнал” китоби, касса китоби, меҳнат ҳақи тўлашга тарқатувчиларга берилган пуллар китоби, жорий счётлар ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш китоби, депонент қилинган меҳнат ҳақи ва стипендияларнинг аналитик ҳисобини олиб бориш китоби, моддий қийматликларни миқдор-суммали ҳисобини олиб бориш китоби, қуйи ташкилотларни молиялаштириш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш китоби, махсус маблағларни ҳисобга олиш китоби. Бош-журнал китоби синтетик ҳисоб учун, қолганлари эса аналитик ҳисоб учун тайинланган.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси ҳисоб ва ҳисобот тизимини яхшилаш ҳисобланади, аввало ҳисобни марказлаштириш ва маълумотларни ишлашнинг электрон тизимини қўллаш ҳисобланади.

1.2. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бюджет ташкилотларини молиялаштириш.

Бюджет ташкилотлари бевосита республика бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилади. Бюджетдан молиялаштириш тасдиқланган сметаларга мувофиқ ҳаражат қилиш учун ташкилотларга давлат маблағини берилишини аниқлатади.

Бюджетдан хўжалик юритувчи субъектларга ва бюджет ташкилотларига фақат бюджет бўйича тасдиқланган суммалар доирасидагина маблағ берилади. Алоҳида тадбирларга бюджет бўйича тасдиқланган ҳаражатлар суммалари бюджет кредитлари ёки ажратма (маблағ)лари деб аталади.

Ташкилотларни бюджетдан молиялаштириш банк муассасалари орқали амалга оширилади. Бюджетдан молиялаштириш деганда кредитларни бошқарувчиларга бюджет бўйича тасдиқланган ҳаражатларга бюджетдан маблағ берилиши тушунилади.

Республика бюджетидан молиялаштириш бюджетдан маблағ олишга чиқим жадвалларини ёзиш орқали кредит очиш йўли билан амалга оширилади.

Кредит очиш - бу банк муассасаларига республика бюджети хисобидан бюджет ташкилотларига маблағ берилиши учун фармойиш беришдир. Кредитлар кредитларни бош бошқарувчилар ихтиёрига, айрим ҳолларда, кредитларни бош бошқарувчиларнинг илтимосига кўра, кредитлар бевосита кредитларни қўйи бошқарувчиларга тўғридан-тўғри очилиши мумкин.

Кредитларни бошқарувчиларга банк муассасаларида ҳар бир очилган кредитлар бўйича:

1) ташкилот ҳаражатларига;

2) тасарруфидаги ташкилотларга ўтказиб бериш учун алоҳида-алоҳида ҳисоб-варақлар очилади.

Кредитларни бош бошқарувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан кредитлар очилгани ҳақидаги билдириш сифатида чиқим жадвалининг иккинчи нусхасини олиб тасарруфидаги ташкилотларга очилган кредитларни ўтказишни амалга оширади.

Давлат бюджетидан молиялаштириш ҳаражатларнинг қўйидаги гуруҳлари бўйича амалга оширилади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга бериладиган нафақалар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар), бу гуруҳдаги ҳаражатлар жумласига ҳаражатлар иқтисодий таснифининг қўйидаги ҳаражатлар туркумлари киради:

1) 01-1-00 - Иш ҳақи;

2) 03-4-10 - Стипендиялар;

3) 03-4-20 - Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун ишлайдиган оналарга тўланадиган ҳар ойлик нафақа;

4) 03-4-25 - Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун ишламайдиган оналарга тўланадиган ҳар ойлик нафақа;

5) 03-4-30 - 16 ёшгача болалари бўлган, кам таъминланган оилаларга нафақалар;

6) 03-4-40 - Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам.

II. Иш ҳақиға ҳисобланишлар, бу гуруҳга ҳаражатлар иқтисодий таснифининг 01-1-00 - Иш берувчиларнинг ажратмалари, ҳаражатлар туркумлари киради.

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестициялар дастурида кўзда тутилган адрес рўйхатларига мувофиқ), бу гуруҳга ҳаражатлар иқтисодий таснифининг қуйидаги ҳаражат туркумлари киради:

1)04-2-00 - Ишлаб чиқариш соҳасида қурилиш, реконструкция қилиш ва шу мақсадда капитал активлар сотиб олиш ҳаражатлари;

2)04-3-00 - Ноишлаб чиқариш соҳасида қурилиш, реконструкция қилиш ва шу мақсадда капитал активлар сотиб олиш ҳаражатлари.

IV. Бошқа ҳаражатлар, бу гуруҳга ҳаражатлар иқтисодий таснифининг қуйидаги ҳаражатлар туркумлари киради:

1)01-3-00 - Хизмат сафарлари ҳаражатлари;

2)01-4-00 - Коммунал хизматлари ҳаражатлари;

3)01-5-00 - Телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари ҳаражатлари;

4)01-6-00 - Жорий таъмирлаш ҳаражатлари;

5)01-7-00 - Сақлаш, ижара, фойдаланиш ва бошқа хизматларни тўлаш ҳаражатлари;

6)01-8-00 - Жорий мақсадлар учун техника, ускуналар, жиҳозлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ҳаражатлари;

7)01-9-00 - Бошқа жорий ҳаражатлар;

8)03-1-00 - Нотижорат ташкилотларига жорий трансфертлар;

9)03-3-00 - Субсидия ва бошқа жорий трансфертлар;

10)03-4-45 - Коммунал хизматлар бўйича имтиёзли тўловлар;

11)03-4-90 - Уй хўжаликлариға бошқа трансфертлар;

12)03-5-00 - Чет элларға жорий трансфертлар;

13)04-1-00 - Асосий капитал активлар сотиб олиш;

14)04-4-00 - Ишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлаш ҳаражатлари;

15)04-5-00 - Ноишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлаш

ҳаражатлари;

16)06-0-00 - Капитал лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган ер ва номатериал активлар сотиб олиш ҳаражатлари;

17)07-1-00 - Давлат бошқаруви бошқа даражаларига капитал трансфертлар;

18)07-2-00 - Мамлакат ичидаги бошқа капитал трансфертлар;

19)07-3-00 - Чет элларга трансфертлар;

20)08-1-00 - Ички кредитлар (ссудалар);

21)08-2-00 - Мамлакат ичидаги капиталда иштирок этиш;

22)08-3-00 - Ташқи кредитлар ва хорижий капиталда иштирок этиш;

23)09-1-00 - Ички асосий қарзни тўлаш;

24)09-2-00 - Ташқи асосий қарзни тўлаш;

25)10-0-00 - Субвенсия, ссуда ва бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар.

Молиялаштириш, жорий йилга тасдиқланган бюджет кўрсаткичларига ва бюджет ижроси жараёнида рўйхатга ва ҳаражатлар сметасига киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда бюджет ташкилотларининг ҳаражатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет ҳаражатларининг йиллик рўйхати чорақлар бўйича тақсимланишига биноан амалга оширилади. Республика ва маҳаллий бюджетлардан ҳаражатларнинг I ва II гуруҳлари бўйича молиялаштириш ҳар ойда сметалар ва бюджет ҳаражатларининг рўйхати асосида, уларга киритилган ўзгартиришлар, ҳамда ўтган ҳисобот даврида белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Капитал кўйилмаларни ва бошқа ҳаражатларни молиялаштириш ҳар ойда бюджетга маблағларнинг келиб тушишига қараб амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларини республика бюджетидан молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги ҳаражатлар жадвали (унда бюджет таснифининг параграфлари ва ҳаражатларнинг гуруҳлари кўрсатилиб) ва маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқларида ҳаражатларнинг ҳар бир гуруҳи (I гуруҳ ҳаражатларидан

ташқари, чунки иш ҳақи ва унга тенглаштирилган ҳаражатлар ўз вақтида тўланишининг назоратини таъминлаш учун улар ҳаражатларнинг турлари бўйича молиялаштирилади) бўйича бир сатр билан расмийлаштирилади.

Маҳаллий бюджетлардан бюджет ташкилотларини молиялаштириш тегишли молия органларида белгиланган шаклдаги фармойиш (унда бюджет таснифининг параграфлари ва ҳаражатларнинг гуруҳлари кўрсатилиб) ва маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқларида ҳаражатларнинг ҳар бир гуруҳи (I гуруҳ ҳаражатларидан ташқари) бўйича бир сатр билан расмийлаштирилади.

Молиялаштириш ҳар бир параграф бўйича алоҳида амалга оширилади. Ажратилган маблағларни бюджет ташкилотлари қайси ҳаражатлар учун олган бўлса, қатъий равишда худди шу параграфлар бўйича ишлатади. Бюджет ташкилотларига ҳаражатлар гуруҳлари бўйича тасдиқланган лимитларни мустақил ўзгартириш ман этилади. Ҳаражатлар ҳажмини гуруҳлари ва параграфлари бўйича ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ваколатида туради.

Ажратилган маблағларни тегишли параграфлар ва гуруҳлар бўйича тайинланишига қараб фойдаланиш учун жавобгарлик бюджет ташкилотларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юклатилган.

Бюджет ташкилотларининг ҳаражатларини молиялаштириш амалга оширилганда, янги йилдаги режалаштирилган бюджет маблағлари дебеторлик қарзларининг суммасини кредиторлик қарзлари суммасидан ортиқча қисмига ва бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобидан ташкил бўлган кейинги йилнинг биринчи январига бюджет ташкилотларининг меъёрдан ортиқча моддий захираларининг қолдиғи суммасига камайтирилади.

1.3. Ҳаражатлар сметаси ижросини бухгалтерия хужжатларида акс эттириш.

Ҳисоб регистрларида ёзувлар бухгалтерия хужжатлари асосида амалга оширилади. Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун

операцияларни амалга оширилганлигини ва уларни амалга оширишга берилган фармойишларни қайд қилган бошланғич ҳисоб ҳужжатлари асос бўлади. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки улар амалга оширилгандан сўнг тузилади. Бюджет ташкилотларида турли хил бухгалтерия ҳужжатлари қўлланилади. Уларнинг айримлари намунавийдир. Аммо айрим бухгалтерия ҳужжатлари бюджет ташкилотлари учун махсус ишлаб чиқилади.

Бухгалтерия ҳисобини тезкорлигини, ишончлилигини таъминлаш учун ҳужжат маълум хўжалик операциясини характерлайдиган ишончли маълумотларга эга бўлиши керак. Ҳар бир ҳужжат ўзининг тайинланишига тўла жавоб бериши учун маълум минимум кўрсаткич(реквизит)ларга эга бўлиши керак. Бошланғич ҳужжатнинг кўрсаткич(реквизит)лари - бу ҳужжатда қайд қилинган хўжалик операциясини характерлайдиган ва унга юридик куч берадиган кўрсаткичлардир. Бошланғич ҳужжатлар юридик кучга эга бўлиши учун улар қуйидаги реквизитларга эга бўлиши керак:

- ❖ ташкилотнинг номи;
- ❖ ҳужжатнинг номи ва рақами;
- ❖ тузилган сана ва жой;
- ❖ хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдори (натура ва пул ифодасида);
- ❖ хўжалик операцияси амалга оширилганига ва унинг тўғри расмийлаштирилишига жавобгар шахсларнинг шахсий имзолари;
- ❖ шахсий имзолар ва уларнинг таъбири (имзо чекувчиларнинг лавозимлари ва фамилиялари).

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар, уларнинг ўз вақтидалигига ва тўғрилигига, ишончлилигига, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Моддий қийматликларни сотиб олинишига доир ҳужжатларда бу қийматликларни олганлигига моддий жавобгар шахснинг имзоси, бажарилган

ишларга доир ҳужжатларда эса, бажарилган ишни қабул қилинганлигини тасдиқловчи тегишли шахсларнинг имзолари бўлиши керак.

Бошланғич ҳужжатларда ёзувлар сиёҳ билан, шарикли ручка пастаси билан, кимёвий қалам билан ёки турли техник воситалари ёрдамида амалга оширилади. Бошланғич ҳужжатлардаги бўш қаторлар чизиб чиқилади. Бошланғич ҳужжатларда кириш ва изоҳланмаган тузатишлар қилишга йўл қўйилмайди. Бошланғич ҳужжатлардаги хатоларни, нотўғри ёзилган текстни ёки суммани устидан чизиб ва чизилганнинг устига тўғри текстни ёки суммани ёзиш йўли билан тўғриланади. Устидан ингичка чизиқ билан шундай чизиладики, кейинчалик аввал ёзилганни ўқиш мумкин бўлсин. Бошланғич ҳужжатдаги хатони тузатиш “тузатилган” деган ёзув билан изоҳланиши ва тузатилган санани кўрсатилган ҳолда ҳужжатни имзолаган шахсларнинг имзолари билан тузатилганлиги тасдиқланган бўлиши керак. Касса ва банк ҳужжатларида тузатишлар қилишга йўл қўйилмайди. Бухгалтерияга тушган бошланғич ҳужжатлар, албатта шакл бўйича (бошланғич ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши, кўрсаткич(реквизит)лар тўлдирилганлигининг тўлаллиги ва тўғрилиги) ҳамда мазмуни бўйича (ҳужжатлаштирилаётган операцияларнинг қонунийлиги, айрим олинган кўрсаткичларнинг мантқан ўзаро боғлиқлиги) текширилади. Ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлигига, бошланғич ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли тузилганлигига ушбу ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар жавоб берадилар. Кириш ва чиқим касса ордерларига илова қилинган барча ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат ҳақини ҳисоблашга асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжатлар, албатта “Олинди” ёки “Тўланди” деган штамп ёки уни қўлда ёзиб сана(кун, ой, йил)ни кўрсатиб ёпилади.

Текширилган ва ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҳужжатлар операцияларнинг амалга оширилган санаси бўйича (хронологик тартибда) тартиблаштирилади ва қуйидаги доимий рақамлар берилган тегишли мемориал-ордерлар - йиғувчи ведомостлар билан расмийлаштирилади:

1-мемориал-ордер – “Касса операциялари бўйича йиғувчи ведомост”, 381-шакл;

2-мемориал-ордер – “Бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варағида маблағларни ҳаракати бўйича йиғувчи ведомост”, 381-шакл;

3-мемориал-ордер – “Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит счётида маблағларни ҳаракати бўйича йиғувчи ведомост”, 381-шакл;

4-мемориал-ордер – “Лимитланган дафтарчалардаги чеклар билан ҳисоб-китоблар бўйича йиғувчи ведомост”, 323-шакл;

5-мемориал-ордер – “Меҳнат ҳақи ва стипендиялар бўйича ҳисоб-китоб ведомостларининг йиғмаси”, 405-шакл;

6-мемориал-ордер – “Турли муассасалар ва ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар бўйича йиғувчи ведомост”, 408-шакл;

8-мемориал-ордер – “Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича йиғувчи ведомост”, 386-шакл;

9-мемориал-ордер – “Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиш ва жойдан жойга кўчирилиши бўйича йиғувчи ведомост”, 438-шакл;

11-мемориал-ордер – “Озиқ-овқат маҳсулотларининг кирими бўйича йиғувчи ведомостларнинг йиғмаси”, 398-шакл;

12-мемориал-ордер – “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сарфланиши бўйича йиғувчи ведомостларнинг йиғмаси”, 398-шакл;

13-мемориал-ордер – “Материалларнинг сарфланиши бўйича йиғувчи ведомост”, 396-шакл;

15-мемориал-ордер – “Болалар сақлагани учун ота-оналар билан ҳисоб-китоблар бўйича ведомостларнинг йиғмаси”, 406-шакл;

Қолган операциялар бўйича ва “Сторно” операциялари бўйича 16-дан бошлаб ҳар ойда алоҳида рақамланадиган алоҳида-алоҳида мемориал-ордерлар (274-шакл) тузилади.

Операциялар ҳажми бўйича йиғувчи ведомостлар тузиш талаб қилинмайдиган бюджет ташкилотларида счётлар корреспонденцияси алоҳида мемориал-ордерлар (274-шакл)да кўрсатилади.

Алоҳида мемориал-ордерлар операциялар содир бўлиши билан, аммо бошланғич ҳужжат олинган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан, айрим ҳужжатларга ёки бир хил ҳужжатларнинг гуруҳига асосан тузилади.

Мемориал-ордерлар бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари, ҳамда мазкур мемориал-ордерни тузган ходим томонидан имзоланади.

Ҳар бир ҳисобот оyi тугагандан сўнг барча мемориал-ордерлар мемориал-ордерлар-йиғувчи ведомостлар уларга тегишли ҳужжатлар биргаликда хронологик тартибда таҳланган ва китоб қилинган бўлиши керак. Ҳужжатлар унча кўп бўлмаган тақдирда уларнинг уч ойлигини бирга қўшиб, китоб қилиниши мумкин. Китобнинг муқовасига:

- ❖ ташкилотнинг номи; китоб(дело)нинг номи ва тартиб рақами;
- ❖ ҳисобот йили (йил ва ой);
- ❖ мемориал-ордерларнинг бошланғич ва охири рақами;
- ❖ китоб(дело)даги варақларнинг сони ёзиб қўйилади.

Бошланғич ҳужжатларнинг сақланишини, уларнинг расмийлаштирилишини ва архивга берилишини бош бухгалтер таъминлайди. Бошланғич ҳужжатлар, улар архивга топширилгунга қадар, махсус хоналарда ёки ёпиладиган шкафларда бош бухгалтер томонидан тайинланган шахснинг жавобгарлигида сақланиши керак. Ташкилотнинг бухгалтерия архивида бухгалтерия ҳужжатларининг китоб(дело)лари белгиланган муддат давомида сақланади. Бухгалтер ҳужжатларининг китоб(дело)ларини ташкилотнинг бухгалтерияси архивида сақлаш муддати тугагандан сўнг белгиланган тартибда тегишли давлат архивига топширилади. Бухгалтерия ҳужжатларининг китоб(дело)ларини архивга топширилганлигига далил бўладиган ҳужжатлар бухгалтерияда доимий сақланади.

1.4. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасини қўллаш тартиби.

Бюджет ташкилотининг операцияларини жорий бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган счётлар режасини белгиланган тизими бўйича олиб борилади. Операциялар бошланғич ҳужжатларда қайд қилинади, кейин ҳужжатлардаги ёзувлар счётлар бўйича тарқатилади ва бухгалтерия балансида умумлаштирилади.

Счётлар режаси - бу бюджет ташкилотининг операцияларини жорий бухгалтерия ҳисоби учун тайинланган ва маълум тартибда рақамланган бухгалтерия ҳисобининг синтетик (биринчи тартибли ҳамда иккинчи тартибли) счётларини тизимга солинган рўйхатидир. Бюджет ташкилотлари учун счётларнинг ягона режаси ўрнатилган. Маблағлар бир турдаги счётлар режасида ўхшаш гуруҳларга бирлаштирилган алоҳида-алоҳида олинган счётларда ҳисобга олинади. Счётлар биринчи тартибли счётларга ва иккинчи тартибли счёт(субсчёт)ларга бўлинади. Бюджет ташкилотларида операцияларнинг синтетик ҳисоби иккинчи тартибли счётлар бўйича олиб борилади, шунинг учун ҳам жорий ҳисобда одатда счётнинг уч хонали рақами қўлланилади. Агар биринчи тартибли счёт иккинчи тартибли счёт(субсчёт)ларга бўлинмаган бўлса, у ҳолда уларнинг икки хонали рақамига нол қўшиб қўлланилади. Жорий бухгалтерия ҳисобида счётлар режасида белгиланган рақамланишларга ва номларига мувофиқ мазкур бюджет ташкилотига керак бўлган счётлар аниқланади ва шу счётларгина очилади ва қўлланилади.

Ташкилотлар бухгалтерия ҳисобини бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2169) Йўриқноманинг 25-иловасига мувофиқ, Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасига (кейинги ўринларда счётлар режаси деб юритилади) асосан юритадилар. Счётлар режаси 5 бобдан иборат бўлиб, улар:

- I боб. Номолиявий активлар
- II боб. Молиявий активлар
- III боб. Дебиторлар ва кредиторлар
- IV боб. Молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётлар
- V боб. Балансдан ташқари счётлар

I боб. Номолиявий активлар

Номолиявий активлар Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар, Ноишлаб чиқариш активлари, Товар-моддий захиралар, Номолиявий активларга қўйилмалар каби 5 та параграфдан таркиб топган.

1-§. Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар.

Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли номолиявий активларнинг қуйидаги счётлар бўйича ҳисоб юритиш тартиби келтирилади:

- 01 “Асосий воситалар”;
- 02 “Асосий воситаларнинг эскириши”;
- 03 “Бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар”.

01 “Асосий воситалар” счёти

01 “Асосий воситалар” счётида ташкилотларнинг барча асосий воситалари, шу жумладан, ижарага берилган асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар умумлаштирилади.

Асосий воситалар - қонунчиликка мувофиқ зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкилот томонидан узоқ вақт давомида (бир йилдан ортиқ) фойдаланадиган, шунингдек, ижарага бериши мумкин бўлган моддий активлардир.

- 01 “Асосий воситалар” счёти қуйидаги субсчётларга бўлинади:
- 010 “Тураржой иморатлар”;
- 011 “Нотурар жой иморатлар”;
- 012 “Иншоотлар”;
- 013 “Машина ва жиҳозлар”;

- 015 “Транспорт воситалари”;
- 018 “Кутубхона фонди”;
- 019 “Бошқа асосий воситалар”.

02 “Асосий воситаларнинг эскириши” счёти

Ташкилотлар асосий воситаларининг эскириши қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотлар асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрларидан (кейинги ўринларда эскириш меъёрлари деб юритилади) келиб чиққан ҳолда, ҳар йили аниқланади ва ҳар ойда шу ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади.

02 “Асосий воситаларнинг эскириши” счёти ҳисобда қуйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда акс эттирилади:

- 020 “Туражой иморатларнинг эскириши”;
- 021 “Нотуражой иморатларнинг эскириши”;
- 022 “Иншоотларнинг эскириши”;
- 023 “Машина ва жиҳозларнинг эскириши”;
- 025 “Транспорт воситаларининг эскириши”;
- 029 “Бошқа асосий воситаларнинг эскириши”.

03 “Бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар” счёти

Бу счётда ташкилотлар ўзларининг зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятларини амалга ошириши, шунингдек, ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мақсадида узоқ муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари бўлган номоддий активларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар умумлаштирилади.

2-§. Ноишлаб чиқариш активлари

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган капитал ҳаражатлар (ноишлаб чиқариш активлари) ташкилотлар томонидан 04 “Ноишлаб чиқариш активлари” счётида ҳисобга олинади.

04 “Ноишлаб чиқариш активлари” счёти 040 “Ерни ободонлаштириш” субсчётидан иборат бўлиб, ушбу субсчётда ноинвентар тусдаги харажатларга кирувчи (иншоотлар қурилиши билан боғлиқ бўлмаган) ерни яхшилашга доир капитал қўйилмалар, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга ошириладиган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ернинг устки қисмини яхшилашга доир маданий-техникавий тадбирлар (ер участкаларини режалаштириш, майдонларни ҳайдовга тайёрлаш учун кундаков қилиш, далаларни тошлар ва ҳарсанглардан тозалаш, сув ҳавзаларини тозалаш ва бошқалар)га оид капитал харажатлар акс эттирилади.

3-§. Товар-моддий захиралар

Товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи счётларда ташкилотга тегишли бўлган ва хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган мол-мулклар, жумладан, қурилиш-таъмирлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи ва ёнилғилар, озуқа ва ем-хашак, тара (идиш)лар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш буюмлари, ўстирувдаги ва боқувдаги чорва моллари, ўқув, илмий ва бошқа мақсадлар учун материаллар ҳамда лаборатория синовида бўлган, узоқ вақт фойдаланиладиган материаллар, шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари учун махсус асбоб-ускуналар ва бошқалар ҳисобга олинади. Товар-моддий захиралар 2 та счётларга бўлинади:

05 “Тайёр маҳсулот” счёти

06 “Бошқа товар-моддий захиралар” счёти

05 “Тайёр маҳсулот” счёти

05 “Тайёр маҳсулот” счёти 050 “Тайёр маҳсулот” субсчётидан иборат бўлиб, ушбу субсчётда тайёр маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисобга олинади.

Сотиш учун тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулотлар, шу жумладан, қисман ташкилотнинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотларнинг қирим қилиниши 050 “Тайёр маҳсулот” субсчётининг дебетида 090 “Товар

(иш, хизмат)ларга ҳаражатлар” субсчёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

06 “Бошқа товар-моддий захиралар” счёти

Бу счётда қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари, ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари, хўжалик шартномалари асосида илмий-текшириш ишларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган, илмий-текшириш ишларида узоқ вақт фойдаланиладиган материаллар ва бошқа товар-моддий захиралар ҳисобга олинади.

06 “Бошқа товар-моддий захиралар” счёти ҳисобда қуйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда акс эттирилади:

- 060 “Қурилиш материаллари”;
- 061 “Озиқ-овқат маҳсулотлари”;
- 062 “Дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари”;
- 063 “Инвентар ва хўжалик жиҳозлари”;
- 064 “Ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари”;
- 065 “Машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари”;
- 069 “Бошқа товар-моддий захиралар”.

4-§. Номолиявий активларга қўйилмалар

Мазкур бўлимда қуйидаги счётлар бўйича номолиявий активларга қўйилмалар ҳисоби келтирилади:

- 07 “Асосий воситаларга қўйилмалар”;
- 08 “Номоддий активларга қўйилмалар”;
- 09 “Бошқа номолиявий активларга қўйилмалар”.
- 07 “Асосий воситаларга қўйилмалар” счёти

Бу счётда ташкилотларнинг асосий воситаларга қўйилмалари қуйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда ҳисобга олинади:

- 070 “Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар”;
- 071 “Тугалланмаган қурилиш”;
- 072 “Асосий воситаларга бошқа ҳаражатлар”.

08 “Номоддий активларга қўйилмалар” счёти

Ушбу счёт 080 “Номоддий активларга ҳаражатлар” субсчётидан иборат бўлиб, унда номоддий активларни харид қилиш ёки ташкилотнинг ўзида яратилиши билан боғлиқ барча ҳаражатлар ҳисобга олинади. Номоддий активларнинг қиймати бўйича (сотиб олиш ва бошқа қўшимча ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда) кирим қилиниши 030 “Номоддий активлар” субсчётининг дебетида ва 080 “Номоддий активларга ҳаражатлар” субсчётининг кредитида акс эттирилади.

09 “Бошқа номолиявий активларга қўйилмалар” счёти

Ушбу счётда бошқа номолиявий активларга қўйилмалар қуйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда келтирилади:

090 “Товар (иш, хизмат)ларга ҳаражатлар”;

091 “Товар-моддий захираларга бошқа ҳаражатлар”.

090 “Товар (иш, хизмат)ларга ҳаражатлар” субсчётида ишлаб чиқариш, ёрдамчи қишлоқ ва ўқув-тажриба хўжаликларининг буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, босма маҳсулотларни нашр қилиш ва хизмат кўрсатиши учун режалаштирилдиган ҳаражатлар, юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар асосида илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажаришга доир ҳаражатлар, экспериментал қурилишларни тайёрлаш ҳаражатлари, шунингдек, бошқа бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қилинган ҳаражатлар ҳисобга олинади.

II боб. Молиявий активлар

Ташкилотлар бу бобнинг счётларида бюджет бўйича (тасдиқланган ҳаражатлар сметасига асосан) молиялаштирилган маблағларни, касса ва бюджет (бюджетдан ташқари) ҳисобварақларидаги пул маблағларининг ҳаракатини ҳамда аккредитивлар, пул эквивалентларини, чет эл валютасидаги ва бошқа пул маблағларини ҳисобга оладилар. Молиявий активларни ҳисобга олиш учун счётлар режасида қуйидаги счётлар белгиланган:

10 “Ҳисобварақлардаги бюджет маблағлари”;

11 “Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар”;

12 “Касса”;

13 “Бошқа пул маблағлари”;

14 “Молиявий қўйилмалар”.

10 “Ҳисобварақлардаги бюджет маблағлари” счёти

Бу счётда ташкилотлар томонидан бюджетдан молиялаштириш мақсадига мувофиқ ҳолда хизмат кўрсатувчи банкларда очилган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидаги тасдиқланган ҳаражатлар сметасига асосан молиялаштириб берилган пул маблағларининг ҳаракати ва ҳолати ҳисобга олинади.

10 “Ҳисобварақлардаги бюджет маблағлари” счёти қуйидаги субсчётларга бўлинади:

100 “Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари”;

101 “Бошқа мақсадлар учун молиялаштирилган бюджет маблағлари”.

11 “Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар”

счёти

Бу счётда ташкилотларнинг:

✓ тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлари;

✓ ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлари;

✓ бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

✓ бошқа бюджетдан ташқари маблағлари;

✓ вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлари;

✓ валюта ҳисобварағидаги маблағлари;

✓ бюджет маблағлари бўйича юзага келган олдинги йиллардаги дебиторлик қарзларининг жорий молиявий йилда тушган маблағлари;

✓ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (кейинги ўринларда Пенсия

жамғармаси деб юритилади) маблағлари ҳисобидан ташкилотлар ходимларининг ижтимоий тўловларини қоплаш учун келиб тушган маблағлари;

✓ бошқа кирим қилинган бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳисоби олиб борилади.

11 “Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар” счёти қуйидаги субсчётларга бўлинади:

110 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар”;

111 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар”;

112 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари”;

113 “Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар”;

114 “Бюджет ташкилотининг вақтинча ихтиёрида бўладиган маблағлар”;

115 “Валюта ҳисобварағи”;

119 “Бошқа ҳисобварақлардаги пул маблағлари”.

12 “Касса” счёти

12 “Касса” счёти 120 “Миллий валютадаги нақд пул маблағлари” ва 121 “Хорижий валютадаги нақд пул маблағлари” субсчётларидан иборат бўлиб, мазкур субсчётларда ташкилот кассасидаги нақд пул маблағларининг (миллий ва хорижий валютада) мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати ҳисобга олинади. Касса операцияларининг ҳисобини юритиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

13 “Бошқа пул маблағлари” счёти

Бу счётда аккредитивлар, йўлдаги пул маблағлари ва ташкилотларнинг бошқа пул маблағлари ҳисобга олинади. Бу счёт қуйидаги субсчётларга бўлиниб ҳисобда акс эттирилади:

130 “Аккредитивлар”;

131 “Йўлдаги пул маблағлари”;

132 “Пул эквивалентлари”.

14 “Молиявий қўйилмалар” счёти

140 “Депозитга қўйилган пул маблағлари” субсчётида ташкилотларнинг вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларининг банкларга депозитга қўйилиши акс эттирилади.

III боб. Дебиторлар ва кредиторлар

15 “Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” счёти

16 “Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар” счёти

17 “Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар” счёти

18 “Бошқа ҳисоб-китоблар” счёти

Бу бобда келтирилган счётларда мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан улар етказиб берган товар моддий қимматликлари, бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари учун олиб бориладиган ҳисоб-китоблар, бюджет ҳамда ижтимоий суғурта тўловларига ажратмалар бўйича, касаба уюшмаси ташкилотлари, ҳисобдор шахслар, ходимлар, стипендия олувчилар, депонент қилинган суммалар, таълим муассасаларида болаларни сақлаганлик учун уларнинг ота-оналари, шунингдек, бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

15 “Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” счёти

15 “Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” счёти куйидаги субсчётларга бўлинади:

150 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар”;

152 “Ҳаридор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар”;

154 “Суғурта бўйича тўловлар”;

155 “Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар”;

156 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар”;

159 “Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар”.

Ушбу субсчётлар бўйича аналитик ҳисоб бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-китобларни алоҳида ажратган ҳолда 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)да, 285-сон шаклдаги айланма қайдномада ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларида юритилади.

16 “Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар” счёти

Бу счётда ташкилотлар томонидан қонунчиликка мувофиқ бюджет билан, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларга доир, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар олиб борилади.

16 “Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар” счёти қуйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда ҳисобда акс эттирилади:

160 “Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар”;

161 “Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар”;

162 “Шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар”;

163 “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар”;

169 “Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар”.

17 “Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар” счёти

Бу счётда ходимлар билан иш ҳақи, ижтимоий суғурта тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар, шунингдек, талабалар, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва ўқувчилар билан стипендиялар бўйича олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ва ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар ҳисоби юритилади.

17 “Ходимлар ва стипендиатлар билан ҳисоб-китоблар” счёти қуйидаги субсчётларга бўлинади:

170 “Камомадларга доир ҳисоб-китоблар”;

171 “Ходимлар билан ижтимоий нафақалар бўйича ҳисоб-китоблар”;

172 “Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар”;

173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар”;

174 “Стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар”;

175 “Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар”;

176 “Ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоб-китоблар”;

177 “Депонентланган тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар”;

179 “Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар”.

18 “Бошқа ҳисоб-китоблар” счёти

18 “Бошқа ҳисоб-китоблар” счёти 180 “Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар” субсчётидан иборат бўлиб, ушбу субсчётда юқори маблағ тақсимловчилар билан уларга қаршли бўлган муассасалар орасида ҳаражатлар сметасининг ижроси жараёнида вужудга келадиган турли ҳисоб-китоблар, жумладан, марказлашган тартибда берилган моддий активларга доир операциялар ҳисобга олинади.

IV боб. Молиявий натижаларни ҳисобга олувчи счётлар

1-§. Реализация ва ҳаражатлар

Ташкилотларнинг маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш бўйича, шунингдек, мазкур маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнида амалга ошириладиган давр ҳаражатлари ва тақсимланадиган ҳаражатлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги счётларда акс эттирилади:

20 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси”;

21 “Бошқа ҳаражатлар”.

20 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” счёти

20 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” счётида тайёр маҳсулотлар (ишлар, хизматлар), жумладан, ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналарининг, ёрдамчи қишлоқ хўжалик ва ўқув-тажриба хўжаликларининг тайёр маҳсулотлари, шунингдек, тайёр босма маҳсулотлар ҳамда ташкилотнинг

асосий воситалари ва бошқа активларининг реализация қилиниши ҳисобга олинади.

20 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” счёти қуйидаги субсчётларга бўлинади:

200 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси”;

201 “Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси”.

21 “Бошқа ҳаражатлар” счёти

21 “Бошқа ҳаражатлар” счёти қуйидаги субсчётларга бўлинади:

210 “Тақсимланадиган ҳаражатлар”;

211 “Давр ҳаражатлари”.

Бир неча калькуляция объектлари мавжуд бўлганда ёки ташкилотнинг фаолияти бир нечта манбалардан молиялаштирилганда, шунингдек, амалга оширилган ҳаражатларнинг қайси маҳсулот (иш, хизмат)ларга тегишли эканлигини аниқлаш мураккаб бўлган ҳолларда ушбу ҳаражатлар 210 “Тақсимланадиган ҳаражатлар” субсчётида ҳисобга олинади. Устама ҳаражатлар, аниқ шароитларга қараб айрим буюмлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тури ёки ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ишчиларининг, илмий ходимларнинг ва шу қабиларнинг иш ҳақларига мутаносиб равишда ёки сарфланган материаллар ёки бевосита ҳаражатлар жамига қараб тақсимланади.

Бунда, устама ҳаражатлар 210 “Тақсимланадиган ҳаражатлар” субсчётининг кредитига ва 090 “Товар (иш, хизмат)ларга ҳаражатлар” субсчётининг (ёки бошқа тегишли субсчётларнинг) дебетига ёзиб ҳисобдан ўчирилади (ҳар бир маҳсулот, иш ёки хизматлар турлари бўйича).

2-§. Жорий йилга молиявий натижалар

Ушбу бўлимда ташкилотларнинг жорий йил мобайнида бюджетдан молиялаштирилган маблағлари, барча бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлари, шунингдек, ушбу маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлари ҳамда жорий йилга молиявий натижалари акс эттирилади.

Жорий йилга молиявий натижалар қуйидаги счётларда акс эттирилади:

23 “Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

24 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

25 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

26 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

27 “Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар”.

23 “Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти

23 “Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти ҳисобда қуйидаги субсчётларга бўлинади:

230 “Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

231 “Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар”;

232 “Бюджетдан молиялаштириш”.

24 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти

24 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти ҳисобда қуйидаги субсчётларга бўлинади:

240 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

241 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”;

242 “Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари”.

25 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти

25 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти ҳисобда қуйидаги субсчётларга бўлинади:

250 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

251 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар”;

252 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар”.

26 “Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти

26 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти ҳисобда қуйидаги субсчётларга бўлинади:

260 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

261 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар”;

262 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар”.

27 “Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти

27 “Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар” счёти ҳисобда қуйидаги субсчётларга бўлинади:

270 “Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар”;

271 “Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий ҳаражатлар”;

272 “Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар”;

273 “Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар”.

3-§. Якуний молиявий натижалар

28 “Якуний молиявий натижалар” счётида ташкилот фаолиятининг якуни бўйича молиявий натижалари акс эттирилади. Агарда, йил якунлари бўйича якуний молиявий натижаларни ҳисобга олувчи субсчётларда умумий ҳолда кредит қолдиғининг қолиши ташкилотнинг барча активлари

(номолиявий активлари, молиявий активлари, дебиторлар) умумий суммаси ташкилот мажбуриятларининг умумий суммасидан ортиқ бўлганлигини, дебет қолдиғининг қолиши эса, ташкилотнинг умумий мажбуриятлари суммаси унинг барча активлари (номолиявий активлари, молиявий активлари, дебиторлар) умумий суммасидан ортиб кетганлигини билдиради.

28 “Якуний молиявий натижалар” счёти қуйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда акс эттирилади:

280 “Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа”;

281 “Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа”;

282 “Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа”;

283 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа”;

284 “Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа”;

285 “Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар”.

V боб. Балансдан ташқари счётлар

Балансдан ташқари счётларда ташкилотда вақтинчалик турган ва унга қаршли бўлмаган моддий қимматликлар (ижарага олинган асосий воситалар, жавобгарликда сақлаш учун ёки қайта ишлаш учун олинган моддий қимматликлар), шунингдек, қатъий ҳисобот бланкалари, дам олиш уйлари ҳамда санаторийлар учун йўлланмалар ва бошқалар ҳисобга олинади. Кўрсатиб ўтилганларни ҳисобга олиш учун ташкилотларда қуйидаги балансдан ташқари счётлар кўлланилади:

01 “Ижарага олинган асосий воситалар”;

02 “Масъул сақлашга олинган товар-моддий қимматликлар”;

04 “Қатъий ҳисобот бланкалари”;

05 “Ишончсиз дебиторлар қарзларининг ҳаражатга чиқазилиши”;

06 “Марказлаштирилган таъминот бўйича тўланган моддий қимматликлар”;

07 “Ўқувчилар ва талабаларнинг қайтарилмаган моддий қимматликлар бўйича қарзлари”;

08 “Кўчма спорт совринлари ва кубоклари”;

09 “Тўланмаган йўлланмалар”;

10 “Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари”;

11 “Ҳарбий техникаларнинг ўқув предметлари”;

12 “Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари”.

II БОБ. Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар ҳисоби

2.1. Бюджетдан ташқари маблағлар ва уларнинг турлари

Бюджет ташкилотларида барча харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади. Аммо, айрим тадбирларни молиялаштириш учун бюджетдан ташқари маблағлар фойдаланилади, яъни булар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан эмас, балки бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этиладиган маблағлардир.

Бюджет ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари фонд, Республика йўл фонди ва Бошқа бюджетдан ташқари фондлар билан қонунчиликка мувофиқ олиб бориладиган ҳисоб-китобларини олиб бориш учун 169-“Бошқа бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти тайинланган.

169-“Бошқа бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар” субсчётининг дебитида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари фонд, Республика йўл фонди ва Бошқа бюджетдан ташқари фондларга ҳисобланган ажратмалар суммаси қайд қилинади. Бу ҳисобланган ажратмалар суммалари 211-“Давр харажатлари” субсчётининг дебитида ва амалга оширилган операцияларнинг

мазмунидан келиб чиққан ҳолда бошқа тегишли субсчётларнинг дебетида акс этирилади.

169-“Бошқа бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар” субсчётининг дебетида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари фонд, Республика йўл фонди ва Бошқа бюджетдан ташқари фондларга ўтказиб берилган маблағлар суммаси акс этирилади.

Бюджет ташкилотларида Бошқа бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китобларга доир операцияларга тузиладиган бухгалтерия ўтказмаларини кўрадиган бўлсак:

1)Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари фонд, Республика йўл фонди ва Бошқа бюджетдан ташқари фондларга тегишли ажратмалар ҳисобланди.

Дт 211-“Давр ҳаражатлари”

Кт 169-“Бошқа бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар”

2)Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари фонд, Республика йўл фонди ва Бошқа бюджетдан ташқари фондларга ҳисобланган ажратмалар суммаси ўтказиб берилди.

Дт 169-“Бошқа бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблар”

Кт 111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар” ёки

Кт 112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари” тарзида бўлади.

Бюджетдан ташқари маблағлар жумласига махсус маблағлар, топшириқлар бўйича суммалар ва депозит суммалар киради.

Махсус маблағлар - бюджет ташкилотларига тегишли бинолардан, хоналардан, корхоналардан ва ёрдамчи хўжаликлардан, инвентарлардан ва

ускуналардан фойдаланиш ва ишлатиш натижасида пайдо бўлган бюджет ташкилоти даромадларининг суммаси. Махсус маблағлар фойдаланиш харажатларини қоплашга, қайси тадбирлардан олинган бўлса, ўша тадбирларнинг фаолиятини кенгайтириш ва яхшилашга сарфланади. Махсус маблағларни бошқа мақсадларга ҳамда бюджетдан молиялаштирилмаган тадбирларга сарфлашга йўл қўйилмайди. Махсус маблағларга барча бюджет ташкилотлари эга бўлиши мумкин.

Махсус маблағларнинг ҳар бир тури бўйича кирим-чиқим сметалари тузилади. Сметанинг даромадларида махсус маблағларнинг кирими кўрсатилади, харажатларида эса маблағларнинг бюджет таснифи моддалари бўйича йўналтирилиши кўрсатилади. Агар бюджет ташкилоти махсус маблағларнинг бир нечта турларига эга бўлса, у ҳолда индивидуал сметалар асосида уларнинг йиғмаси тузилади. Йиғма сметада махсус маблағлар ҳар бир турининг даромад ва харажатлари алоҳида-алоҳида кўрсатилади. Махсус маблағларнинг сметалари бўйича харажатлар даромадлардан юқори бўлиши мумкин эмас.

Махсус маблағлар сметаларининг юқори кредитларни бошқарувчилар томонидан тасдиқланиши ҳақида икки нусхада маълумотнома тузилади. Маълумотноманинг бир нусхаси банк муассасасига берилади, бошқаси эса маълумот берилган ташкилотда қолади. Банк мазкур ташкилотдаги барча махсус маблағлар сметаларининг тасдиқланиши ҳақидаги битта маълумотномани олади ва банк муассасалари Махсус маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варақларидан маблағлар беради. Бюджет ташкилотларининг раҳбарлари махсус маблағларнинг бошқарувчилари ҳисобланади. Улар сметада кўзда тутилган даромадларнинг тушумини таъминлаши ва махсус маблағларни харажатларнинг ҳар бир моддаси бўйича тасдиқланган суммалар доирасида смета бўйича мақсадли тайинланишига мувофиқ сарфлаши шарт. Махсус маблағларнинг келиб тушаётган суммаларини, одатда, тўловчилар тўғридан-тўғри банк муассасасига бюджет

ташкilotининг махсус маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варақларига қўйиш учун топширишлари керак.

Топшириқлар бўйича суммалар - айрим топшириқларни бажариш учун бошқа ташкilotлардан бюджет ташкilotига келиб тушган маблағлар. Буларга, масалан, ўқув юртларини тугатиб, иш жойига юборилган ёш мутахассисларга тўлаш учун ташкilotлардан олинган суммалар, корхоналардан ўқишга юборилган талабаларга корхона ҳисобидан стипендия тўлаш учун олинган суммалар, бошқа ташкilotлардан, улар учун ускуна, адабиёт ва бошқа шунга ўхшашларни сотиб олиш учун олинган суммалар киради. Топшириқлар бўйича келиб тушган маблағлар банк муассасаларида Топшириқлар бўйича суммаларга доир талаб қилиб олгунга қадар алоҳида депозит ҳисоб-варағида сақланади. Бундай ҳисоб-варақлар тегишли молия органининг рухсати билан очилади.

Депозит суммалар - бюджет ташкilotининг ихтиёрига вақтинчалик келиб тушган ва маълум шароит вужудга келганда қайтарилиши ёки тайинланиши бўйича ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган маблағлар. Булар жумласига, масалан, даволаш муассасаларидаги беморларнинг даволаш муассасасидан чиқарилганда қайтариладиган пуллари, суд органлари ихтиёрида вақтинчалик сақланаётган ва суд қарорига асосан эгасига қайтариладиган ёки тайинланиши бўйича ўтказиладиган суммалар ва бошқалар киради. Депозит суммалар ҳукумат томонидан белгиланган маълум муддат давомида банк муассасаларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варақларида сақланади. Бу муддат тугагандан сўнг талаб қилиб олинмаган суммалар тегишли бюджетнинг даромадига ўтказилади.

Биз бюджет ташкilotларида Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тушумига доир операциялар бўйича бухгалтерия ўтказмаларини кўрадиган бўлсак:

1)Топширилган иккиламчи хом ашё учун тегишли ташкilotлардан маблағ келиб тушди.

ДТ 113-“Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар”

КТ 152-“Ҳаридор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар”

2) Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳарид қилинган ва ҳозирга келиб кераксиз бўлиб қолган ва эскирган асосий воситаларни сотишдан маблағ келиб тушиди:

ДТ 113-“Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар”

КТ 152-“Ҳаридор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар”

3) Бюджет маблағлари ҳисобидан қилинган моддий қийматликларни сотишдан пул маблағлари келиб тушиди:

ДТ 113-“Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар”

КТ 152-“Ҳаридор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар”

Бюджет ташкилотларида молия йили мобайнида олинган ва қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа даромадоар ва тушумларининг ҳисобини олиб бориш учун 272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчёти тайинланган. Бу субсчёт пассив субсчётдир.

272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчётининг кредитига молия йили мобайнида олинган ва қонунчилик билан таъқиқланмаган ҳисобланган бошқа даромадлар ва тушумларнинг суммалари акс эттирилади.

272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчётининг дебетида йил охирида молия йили мобайнида олинган ва қонунчилик билан таъқиқланмаган ҳисобланган бошқа даромадлар ва тушумларнинг суммаларини бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижаларга ўтказилиши қайд қилинади. Бу операция бўйича 272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчёти кредитланади. Шу йўл билан 272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчёти молия йили охирида ёпилади.

Йил охирида 272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчёти бўйича қолдиқ қолмайди. 272-“Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар” субсчётининг аналитик ҳисоби тушган тушумларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

2.2. Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар ҳисоби.

Бюджет ташкилотларида ўзларининг ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадларнинг ҳисобини олиб бориш учун 262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар” субсчёти тайинланган. Бу субсчёт пассив субсчётдир.

262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар” кредити молия йили мобайнида:

1) бюджет ташкилотининг фаолият турига мувофиқ маҳсулотларнинг (ишчи, хизматчиларнинг) сотилишидан олинган даромадлар;

2) вақтинча фойдаланилмаётган биноларни давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа ташкилотларга ижарага бериш орқали келиб тушадиган тушумлар;

3) юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилган ҳомийлик ёрдам ҳисобидан тушумлар суммаси акс эттирилади.

Молия йили мобайнида 262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар” субсчёти кредитида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг реализация қилинишидан ҳаридор ва буюртмачилардан келиб тушадиган даромадларни айнан ўша маҳсулот учун сарфланган жами харажатлардан ошган қисми акс эттирилади. Бу операция бўйича 200-“Маҳсулотлар реализацияси” субсчёти дебетланади.

Молия йили мобайнида 262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар” субсчёти кредитида бюджет ташкилоти томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни давлатнинг бошқа мол-мулкларини бошқа ташкилотларга ижарага беришда ўзаро тузилган ижара шартномасида белгиланган суммасининг ҳар ойга тўғри келадиган улуши миқдори акс эттирилади. Бу операциялар бўйича 159-“Бошқа дебетор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” субсчётида дебетланади.

Молия йили мобайнида 262-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар” субсчёти кредитида бюджет

ташкilotига юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул, нақд пулсиз ёки мол-мулк кўринишида берилган ҳомийлик ёрдам суммалари акс эттирилиди. Бу операциялар бўйича 01-“Асосий воситалар” счётининг, 06-“Бошқа товар-моддий захиралари” счётининг, 11-“Ҳисоб-варақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар” счётининг ва 120-“Касса” счётининг тегишли субсчётлари дебетланади.

262-“Бюджет ташкilotини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар” субсчёти кредити бўйича молия йили мобайнида бюджет ташкilotини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича барча даромадлар суммаси йил охирида бюджет ташкilotини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижаларга ўтказилади. Шу йўл билан 262-“Бюджет ташкilotини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар” субсчёти молия йили охирида ёпилади.

Йил охирида 262-“Бюджет ташкilotини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар” субсчёти бўйича қолдиқ қолмайди. Шу ўринда Фарғона политехника институти 2015-йил учун тузилган балансида ҳам 262-“Бюджет ташкilotини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар” субсчётида қолдиқ қолмаган. 2015-йил I чораги учун тузилган баланснинг 331 қатор коди 262-“Бюджет ташкilotини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадлар” субсчётида чорак охирида 1589000,0 минг сўм мавжуд.

Бюджет ташкilotини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича даромадларга доир операцияларнинг аналитик ҳисоби бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

Бюджет ташкilotини ривожлантириш фондининг даромадларини шакллантириш ва улардан солиқлар ундириш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкilotларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштартириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бюджет ташкilotини ривожлантириш фонди:

- ✓ режага мувофиқ бюджетдан молиялаштириш ҳисобига тушган ва чорагининг сўнги иш куни охирида бюджет ташкилотининг счётида тежаб қолинган (фойдаланилмаган) маблағлар (капитал кўйилмаларни молиялаштириш учун кўзда тутилган маблағлар бундан мустасно);
- ✓ бюджет ташкилотининг фаолияти турига мувофиқ маҳсулот(иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;
- ✓ давлатнинг вақтинча фойдаланилмаётган бинолари ва мол-мулкани бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига берилаётган ҳомийлик (беғараз) ёрдами ҳисобига шакллантирилади.

Фаолият тури бўйича маҳсулот(иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан, давлатнинг вақтинча фойдаланилмаётган бинолар ва мол-мулкани бошқа ташкилотларга ижарага беришдан ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига берилаётган ҳомийлик (беғараз) ёрдамидан кўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2005 йил охиригача Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинган.

Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, 1-гурух “Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар” бўйича тежалган, унинг чоракдаги охирги ойнинг иккинчи ярмига тегишли меҳнат ҳақини тўлаш учун молиялаштирилган маблағлар, молиялаштирилмаганлиги сабабли ёки бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисоб-варағидаги маблағнинг етмаганлиги сабабли олинмаган депонент қилинган меҳнат ҳақи ва стипендиялар ҳамда нафақаларнинг суммалари тежалган сумма деб ҳисобланмайди ва бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди - бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит счётига ўтказилмайди. 2-гурух “Меҳнат ҳақиға ҳисобланишлар” бўйича ҳисобланган, лекин ўтказиб берилмаган меҳнат ҳақиға ҳисобланишлар, ҳисобланган, лекин

тўланмаган пенсиялар, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича, бола туғилганда бериладиган ва вафот этганда бериладиган нафақалар суммалари, бюджет ташкилотларини ривожлантириш фонди - бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варағига ўтказилмайди.

Чоракнинг охириги иш куни тежалган суммалар ва бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисоб-варағида қолган маблағлар бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди - бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варағига ўтказилганида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари” счёти

Кт 100-“Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари” счёти

Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағларини ҳаражат қилиш тартиби. Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари фақат, аввало, мавжуд кредиторлик қарзларини тўлашга, бюджет ташкилотининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш ва ижтимоий ривожлантириш тадбирларига ва бюджет ташкилотининг ходимларини моддий рағбатлантиришга ҳаражат қилинади. Бюджет ташкилотида муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзи бўлса, бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари тежаб қолинган бюджет маблағлари доирасида ушбу қарзни тўлашга (маҳсулот(иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами ҳаражатлар ўрни қоплангандан сўнг) ҳаражат қилинади. Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотининг ҳаражатлари вақтинча етарли миқдорда молиялаштирилмаганлиги муносабати билан пайдо бўлган бўлса, кредиторлик қарзининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан тўланган миқдори жорий молия йилига белгиланган ҳаражатлар лимити доирасида бюджетдан қопланади. Вақтинча тўла молиялаштирилмаганлиги натижасида бюджет маблағлари бўйича талаб

қилиб олгунга қадар асосий бюджет депозит ҳисоб-варағида маблағ бўлмаганда, бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисоб-варағидаги маблағлар ҳисобидан кейинчалик тўлдирилишини ҳисобга олинган ҳолда, бюджет ҳисобидан қилинадиган ҳаражатлар бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди - бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варағидаги маблағлар ҳисобидан ҳам қилиниши мумкин. Бюджет бўйича кредиторлик қарзларини ўзиш учун бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди - бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варағининг маблағлари ҳисобидан маблағлар ўтказишга тайёрланган тўлов топшириқларининг “Тўлов мақсади” устунда қуйидагича “Ҳаражатларнинг бюджет қисми бўйича кредиторлик қарзларини тўлаш суммаси ўтказилаяпти” деб ёзилади. Бу операцияга қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 159-“Бошқа дебеторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” счёти

Кт 112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари” счёти

Бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар асосий депозит ҳисоб-варағига маблағ тушганида бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди - бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варағининг маблағлари қайтарилади. Бу операцияга қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари” счёти

Кт 100-“Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари” счёти

Агар кредиторлик қарзлари бюджет ташкилотининг ҳаражатлар сметасига иловада назарда тутилган тегишли ҳаражатлар тўланмаганлиги ва (ёки) ҳаражатларнинг қайси гуруҳи бўйича белгиланган лимитларнинг ошиб кетганлиги натижасида пайдо бўлган бўлса, тўлиқ ҳажмда бюджетдан молиялаштирилган тақдирда, бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди

маблағлари (маҳсулот(иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни қоплангандан сўнг), аввало, харажатларнинг тўланмаган қисми ва белгиланган лимитларнинг ортиб кетган миқдори доирасида кредиторлик қарзларини ўзишга йўналтирилади. Бюджет ташкилотида кредиторлик қарзлари мавжуд бўлмаса ёхуд улар қонунда белгиланган доирада ва тартибда тўланган бўлса, бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағларининг қолган қисми (ҳомийлик, беғараз ёрдам суммаси бундан мустасно): тушган барча маблағларнинг камида 75 фоизи маҳсулот(иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларни қоплашга ва моддий-техника базани мустаҳкамлашга ва тушган барча маблағларнинг кўпи билан 25 фоизи ижтимоий ҳимоялаш бўйича тадбирларга ва бюджет ташкилотининг ходимларини моддий рағбатлантиришга харажат қилинади. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамидан олинган маблағларнинг барча суммаси, агар ҳомий билан махсус ўзгача ҳол келишилмаган бўлса, моддий-техникавий базани мустаҳкамлашга харажат қилинади.

Битирув малакавий ишида фойдаланилаётган Фарғона политехника институтининг бухгалтерия хужжатларидан кўришимиз мумкинки, бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси бўйича 2015 йил 1 январ ҳолатига қолдиқ 32716,9 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ҳисобот даврида тушган тушум 301066,5 минг сўмни ташкил қилган, жами бўлиб эса 333783,4 минг сўмни ташкил қилган. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси бўйича тушадиган тушумлар:

- а) фойдаланилмаётган давлатнинг мол-мулкни ижарага беришдан
- б) ҳомийлик ёрдамида
- в) тежалган бюджет маблағларидан бўлиши мумкин.

2.3. Бюджет ташкилотларида касса харажатлар ҳисоби.

Республика бюджетида турувчи кредитларни бошқарувчилар уларга кредит очилиши билан бюджет маблағларини харажат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва маҳаллий бюджетларда турувчи кредитларни бошқарувчилар ўзларининг Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва маҳаллий бюджетлар бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варақларига маблағ тушган вақтда бюджет маблағларини харажат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бюджет ташкилотлари тасдиқланган сметаларга ва молиявий интизомига қатъий риоя қилинган ҳолда бюджет маблағларини харажат қилишлари мумкин.

Бюджет ташкилотларининг харажатлари касса харажатлари ва ҳақиқий харажатларга бўлинади.

Касса харажатлари - бу бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варағидан банк муассасаси томонидан нақд пул ва пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан тўланган харажатлардир. Бюджет ташкилотининг кассасидан тўланган суммалар касса харажатларга кирмайди, чунки бу суммалар бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варағидан олинганида улар касса харажатларига қўшилгандир.

Бюджет ташкилотларининг касса харажатлари ҳисоби “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси”нинг қуйидаги субсчётларида юритилади:

232-“Бюджетдан молиялаштириш” субсчёти;

110-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар” субсчёти;

111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар” субсчёти;

112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари” субсчёти;

113-“Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар” субсчёти;

Бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган касса ҳаражатлари тўғрисида маълумотлар 232-“Бюджетдан молиялаштириш” субсчётининг кредит бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма сумманинг бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги бюджет маблағлари бўйича очилган шахсий ҳисоб-варақлари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса ҳаражатларини билдиради. Бунда 232-“Бюджетдан молиялаштириш” субсчётининг кредит бўйича айланма суммаси муайян бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги бюджет маблағлари бўйича очилган шахсий ҳисоб-варақлари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса ҳаражатларининг тикланиши (жорий йилга) суммасига камайтиради.

Бюджет ташкилотининг тўловларни махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган касса ҳаражатлари тўғрисида маълумотлар 110-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар” субсчётининг кредити бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги тўловларнинг махсус турлари бўйича очилган шахсий ҳисоб-варақлар орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса ҳаражатларини билдиради. Бунда 110-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар” субсчётининг кредит бўйича айланма суммаси муайян бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги тўловларнинг махсус турлари бўйича очилган шахсий ҳисоб-варақлар орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса ҳаражатларининг тикланиши суммасига камайтиради.

Бюджет ташкилотини ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган касса ҳаражатлари тўғрисида маълумотлар 111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар” субсчётининг кредит бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма сумманинг бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар бўйича

очилган шахсий ҳисоб-варақлари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса ҳаражатларини билдиради. Бунда 111-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар” субсчётининг кредит бўйича айланма суммаси муайян бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар бўйича очилган шахсий ҳисоб-варақлар орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса ҳаражатларининг тикланиши суммасига камайтиради.

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ҳаражатлари тўғрисида маълумотлар 112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари” субсчётининг кредит бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма сумманинг бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича очилган шахсий ҳисоб-варақлари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса ҳаражатларини билдиради. Бунда 112-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари” субсчётининг кредит бўйича айланма суммаси муайян бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар бўйича очилган шахсий ҳисоб-варақлар орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса ҳаражатларининг тикланиши суммасига камайтиради.

Бюджет ташкилотининг бошқа даромадлар маблағлари ҳисобига амалга оширилган касса ҳаражатлари 113-“Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар” субсчётининг кредит бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма сумманинг бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича очилган шахсий ҳисоб-варақлари орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса ҳаражатларини билдиради. Бунда 113-“Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар” субсчётининг кредит бўйича айланма суммаси муайян бюджет ташкилотининг ғазначилик органидаги бошқа бюджетдан ташқари маблағлар бўйича очилган шахсий ҳисоб-варақлар орқали амалга оширилган тўловлар бўйича касса ҳаражатларининг тикланиши суммасига камайтиради.

Биз битирув малакавий ишида бухгалтерия маълумотларидан фойдаланаётганимиз Фарғона политехника институтининг 2015 йил учун тузилган бюджетдан ажратилган маблағлар сметасида касса харажатлари 12117459,9 минг сўми ташкил қилган. 2016 йилга тасдиқланган харажатлар сметаси 13808493,0 минг сўми ташкил қилиб, шу йилнинг I чораги учун тузилган сметада эса 2755508,3 минг сўми ташкил қилган. Бюджетдан ташқари даромадларда 2015 йил давомида тўлов-контрактдан тушган 19760558,3 минг сўм тушумнинг 16877092,1 минг сўми касса харажатиغا, 2016 йил 1 апрел ҳолатига тушган 7366292,4 минг сўм тушумнинг 4038884,8 минг сўми касса харажатлари учун сарф бўлган.

2.4. Бюджет ташкилотларида ҳақиқий харажатлар ҳисоби.

Ҳақиқий харажатлар – бу бюджет ташкилотининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатларни ташкил қилувчи суммалар. Давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ҳисоблаш методи асосида юритилиши бўйича барча ҳисобланган харажатлар, қачон тўланишидан қатъий назар, ҳақиқий харажатлар ҳисобланади.

Бюджет ташкилотининг ҳақиқий харажатлари ҳисоби “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси”нинг қуйидаги субсчётларида юритилади.

231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар” счёти;

241-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” счёти;

251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” счёти;

261-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” счёти;

271-“Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар” субсчёти.

Бюджет ташкилотларининг бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар тўғрисида маълумот 231-“Бюджет маблағлари

бўйича ҳақиқий ҳаражатлар” субсчётининг дебет бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотининг бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳисобланган ҳаражатларини билдиради.

Бюджет ташкилотини бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар аналитик ҳисоби “Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)”да (292-шакл) юритилади. Ҳаражатлар аналитик ҳисоби ҳар бир ҳаражат тури ва моддалари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий ҳаражатлар” субсчётида молия йили давомида йиғилган барча ҳақиқий ҳаражатлар суммаси йил охирида 230- “Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётига ўтказилади. Йил охирида 231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий ҳаражатлар” субсчётида қолдиқ қолмайди.

Бюджет ташкилотининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар тўғрисида маълумот 241-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар” субсчётининг дебет бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳисобланган ҳаражатларини билдиради.

Бюджет ташкилотининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатларнинг аналитик ҳисоби “Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)”да (292-шакл) юритилади. Ҳаражатлар аналитик ҳисоби ҳар бир ҳаражат тури ва моддалари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Молия йили давомида 241-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар” субсчёти молия йили давомида йиғилган барча ҳақиқий ҳаражатлар суммаси йил охирида 240-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётига ўтказилади. Йил

охирода 241-“Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар” субсчётида қолдиқ қолмайди.

Бюджет ташкилотининг ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлари тўғрисида маълумот 251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар” субсчётининг дебет бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотининг ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳисобланган ҳаражатларни билдиради.

Бюджет ташкилотининг ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлари аналитик ҳисоби “Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)”да (292-шакл) юритилади. Ҳаражатлар аналитик ҳисоби ҳар бир ҳаражат тури ва моддалари (тоифалари, моддалари, кичик моддалари ва элементлари) бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Йил охирида, аввало, молия йили давомида 251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар” субсчётида молия йили давомида йиғилган ҳаражатларнинг фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи қисми (ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (эскириши) ёки моддий активлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар) 285-“Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар” субсчётига ўтказилади.

251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар”

субсчётининг дебетида қолган барча ҳақиқий ҳаражатлар суммаси 250-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётига ўтказилади. Шунинг учун молия йили охирида 251-“Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклида тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар” субсчётида қолдиқ қолмайди.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар тўғрисида маълумот 261-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар” субсчётининг кредити бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотининг ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳисобланган ҳаражатларини билдиради.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатларнинг аналитик ҳисоби “Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)”да (292-шакл) юритилади. Аналитик ҳисоб амалга оширилган ҳаражатларнинг ҳаражат моддалари ва ҳаражат манбаларига (қайси даромад ёки тушум ҳисобига амалга оширилишига қараб) бўлинган ҳолда юритилади.

Йил охирида, аввало, молия йили давомида 261-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар” субсчёти йиғилган ҳақиқий ҳаражатларнинг иқтисод қилинган бюджет маблағларига тегишли қисми 230-“Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётига ўтказилади. Молия йили давомида 261-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлар” субсчётида молия йили давомида йиғилган ҳаражатларнинг фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи қисми (ушбу маблағлар ҳисобидан сотиб олинган моддий активларнинг сарфланиши (эскириши) ёки

моддий активлар сотиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадларига ишлатилиши муносабати билан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар) 285-“Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчётига ўтказилади. 261-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётининг дебетида юқорида келтирилган харажатлар ҳисобдан чиқарилгандан кейин қолган барча ҳақиқий харажатлар суммаси 260-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётига ўтказилади. 261-“Бюджет ташкилотини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётида қолдиқ қолмайди.

Бюджет ташкилотларининг бошқа даромадлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлари тўғрисида маълумот 271-“Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар” субсчётининг кредити бўйича айланмаси билан аниқланади. Бу айланма суммаси бюджет ташкилотини бошқа бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳисобланган харажатларини билдиради.

271-“Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар” субсчётида бюджет ташкилотлари томонидан юқорида келтирилган манбалар бўйича қилинган ҳақиқий харажатлардан ташқари амалга оширилган барча ҳақиқий харажатлар, жумладан, қонунчиликка мувофиқ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлари ҳисобга олинади.

Бюджет ташкилотининг бошқа даромадлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларнинг аналитик ҳисоби “Жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)”да (292-шакл) юритилади. Харажатлар аналитик ҳисоби ҳар бир харажат тури ва моддалари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Молия йили давомида 271-“Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар” субсчётида молия йили давомида йиғилган барча ҳақиқий харажатлар суммаси йил охирида 270-“Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар” субсчётига ўтказилади. 271-“Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар” субсчётида қолдиқ қолмайди.

Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар қуйидаги иккинчи тартибли счётларда ҳисобга олинади:

231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар” счёти

232-“Бюджетдан молиялаштириш” счёти.

Бу счётлар актив счётлардир. Бу счётларнинг дебетига ҳақиқий харажатларнинг суммалари қайд қилинади, унинг кредитида эса бюджет бўйича молиялаштириш ҳисобидан йил тугагандан сўнг ҳисобдан чиқарилган харажатлар суммалари бўлади.

Одатда, йил тугагандан кейин бу счётларда қолдиқ қолиши мумкин эмас. Бу счётларда қолдиқ бўлиб, декабр ойининг иккинчи ярми учун ҳисобланган меҳнат ҳақи, ҳамда бюджет ташкилоти ноқонуний равишда жалб қилинган маблағлардан фойдаланган, улар ҳисобидан бу харажатларни ёпилган суммалар қолиши мумкин.

Бюджет ташкилотига кўрсатилган хизмат(электр энергияси, иссиқ сув, сув, газ ва бошқа)лар суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар” счёти

Кт 159-“Бошқа дебеторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” счёти.

Юқорида кўрсатилган хизмат(электр энергияси, иссиқ сув, сув, газ ва бошқа)ларнинг суммаси бюджет ташкилотининг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисоб-варағидан тўланганида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 159-“Бошқа дебеторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” счёти.

Кт 100-“Ташкилотни сақлаш учун молиялаштирилган бюджет маблағлари” счёти.

Бюджет ташкилотининг кассасидан ҳақиқий қилинган ҳаражатлар тўланганида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий ҳаражатлар” счёти

Кт 120-“Касса” счёти.

Агар ҳисобдор шахслар ҳақиқий ҳаражатлар қилса, у ҳолда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий ҳаражатлар” счёти

Кт 172-“Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар” счёти.

Асосий воситалар сотиб олинганида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

1) қабул қилинган асосий воситаларнинг сотиб олиш қийматига:

Дт 010-“Турар жой иморатлари” счёти ёки

Дт 011-“Нотурар жой иморатлари” счёти ёки

Дт 012-“Иншоатлар” счёти ёки

Дт 013-“Машина ва ускуналар” счёти ёки

Дт 015-“Транспорт воситалари” счёти ёки

Дт 018-“Кутубхона фонди” счёти ёки

Дт 019-“Бошқа асосий воситалар” счёти

Кт 159-“Бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” счёти

Ҳаражат қилинган материаллар ҳисобдан чиқарилганида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий ҳаражатлар” счёти

Кт 069-“Бошқа товар моддий захира” счёти ёки

Кт 063-“Инвентар ва хўжалик жиҳозлар” счёти ёки

Кт 065-“Машина ва ускуналар учун эҳтиёт қисмлар” счёти.

Ҳисобланган иш ҳақи суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий ҳаражатлар” счёти.

Кт 173-“Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китоблар” счёти.

Талабаларга ва аспирантларга ҳисобланган стипендия суммасига куйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий ҳаражатлар” счёти

Кт 174-“Стипендиатлар билан ҳисоб-китоблар” счёти.

Пенсия фондига ҳисобланган (25%) ягона ижтимоий тўлов суммасига куйидаги бухгалтерия ўтказмаси тузилади:

Дт 231-“Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий ҳаражатлар” счёти

Кт 161-“Ягона ижтимоий тўлов” счёти.

Биз битирув малакавий ишида бухгалтерия маълумотларидан фойдаланаётганимиз Фарғона политехника институтининг 2015 йил учун тузилган бюджетдан ажратилган маблағлар сметасида ҳақиқий ҳаражатлари 12845195,2 минг сўми ташкил қилган. 2016 йилга тасдиқланган ҳаражатлар сметаси 13808493,0 минг сўми ташкил қилиб, шу йилнинг I чораги учун тузилган сметада эса 3222214,7 минг сўми ташкил қилган. Бюджетдан ташқари даромадларда 2016 йил 1 январ ҳолатига тўлов-контракт тўловларидан тушган 19760558,3 минг сўм тушумнинг 19180096,1 минг сўми ҳақиқий ҳаражатлари учун сарф бўлган.

III БОБ. ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ҲАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ.

3.1. Фарғона политехника институти ва унинг фаолияти тўғрисида маълумот.

XX асрнинг 60 йилларида Республикамизда, айниқса, Фарғона водийсида саноат корхоналарининг ривожланиши, ишлаб чиқариш қувватларининг кўпайиши ҳудудда миллий муҳандис кадрларга бўлган талабнинг кескин ошишига сабаб бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 251-А буйруғига асосан 1967 йилда Тошкент политехника институтининг Фарғона филиали базасида мустақил Фарғона политехника институти ташкил этилди. Дастлаб институтда 70 нафар ўқитувчи-ходимлар ишлаган бўлиб, шундан 3 нафари фан номзоди илмий даражасига эга бўлган. Институтга Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, 8-қурилиш трестига қарашли бинолардан ажратиб берилди. Қисқа вақт ичида бу бинолар ўқув машғулотлари олиб бориш учун мослаштирилди. 1967 йил август ойида институтга биринчи марта “Саноат ва фуқаро қурилиши”, “Машинасозлик технологияси” ва “Энергетика” мутахассисликлари бўйича қабул амалга оширилди.

Институтда ишлаш учун бутун мамлакатдан илмий-педагог ходимлар, Тошкент политехника институтини битирган қобилиятли ёш мутахассислар ишга таклиф қилинди. Йилдан-йилга институт кенгайиб, янги кафедралар, факултетлар очилди. Ҳозирги кунда институт Фарғона шаҳрининг хушманзара жойини макон этган, унинг ўқув бинолари, ётоқхоналари, спорт иншоотлари, ахборот-ресурс маркази, дам олиш, маданият саройи – ҳаммаси жамул-жам бўлиб, ўзига хос талабалар шаҳарчасини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида институт янада камол топди, водийда ягона техника олий ўқув юрти бўлиб, замон талабларига жавоб бера оладиган, жаҳон андозаларига мос муҳандис мутахассислар етиштирувчи ўқув масканига

айланди. Институт замонавий моддий-техника базасига эга бўлиб, юқори даражада ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий фаолият олиб бориш имкониятига эга.

Фарғона политехника институти ўтган давр мобайнида 40 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассислар етиштирди. Институт ўзининг 30 дан ортиқ мамлакатларда фаолият олиб бораётган собиқ талабалари билан фахрланади.

Институтда 5 та факултет, яъни “Қурилиш”, “Механика”, “Энергетика”, “Ишлаб чиқаришда бошқарув” ва “Кимё-технология” факултетлари ҳамда “Магистратура” бўлими юртимиз равнақига ҳисса қўшадиган малакали мутахассис-кадрлар тайёрламоқда. Фарғона политехника институтининг умумий майдони 9.2 гектар. Бу ҳудудда 6 та ўқув бинолари, 5 та талабалар турар жойлари, 8 та галерея бинолари, бухгалтерия ва маркетинг биноси, спорт зали, очиқ спорт майдончалари, ошхона, қозонхона, автомобиллар учун махсус жой ҳамда марказий омборлар жойлашган.

Ҳозирги кунда институтда 861 нафар профессор-ўқитувчилар ҳамда ишчи-ҳодимлар фаолият юритиб келмоқда. Жорий ҳисобот йили бошига эса иш ўринлари сони 1016 бирликдан иборат бўлган. Институтда жами бўлиб 5565 нафар талаба бўлиб, ундан 2073 нафар талабалар бюджет маблағлари ҳисобидан таҳсил олиб келмоқда.

3.2. Фарғона политехника институти даромадлари ҳисоби

Битирув малакавий ишини ёритиш давомида илова сифатида Фарғона политехника институтининг 2015-2016 йиллар учун тузилган бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидан фойдаланилган.

Фарғона политехника институти учун 2015 йилда давлат томонидан молиялаштирилган сумма жами бўлиб 12263962,0 минг сўмни ташкил қилган. 2016 йил учун молиялаштирилган сумма эса 13818848,0 минг сўм бўлиб, жорий йил I чораги учун 2989678,0 минг сўм ажратилган. Берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, жорий йилда, яъни 2016 йил учун

молиялаштирилган маблағ аввалги йилга нисбатан 1554886,0 минг сўм ёки, 12,7%га ортиқ.

Фарғона политехника институтининг бюджетдан ташқари даромадлари манбаи талабаларнинг таълим-шартномалари тўлови сифатида тушган пул маблағлари, талабалар турар жойлари ижараси учун тўлов сифатидаги тушумлар, институт ҳудудидаги фойдаланилмаётган хоналарни ижарага беришдан тушган тушумлар ҳамда фойдаланиб келаётган биноларнинг том қисмини уяли алоқа корхоналари учун қисман ижарага бериш ва республика, вилоят ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган ярмаркаларда талаба ёшларни ўз қўллари билан тайёрлаган ишлари ва ихтироларини сотишдан келиб тушган пул маблағлари ҳисобига шаклланади.

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси бўйича тушган маблағ 2016 йил 1 январ ҳолатига 39814,6 минг сўмни ташкил қилган. Жорий йилнинг I чорагида эса жами тушум 2450083,5 минг сўмдан иборат бўлган. Жорий йилнинг I чорагида жами ҳаражатлар 1406152,5 минг сўм бўлиб, I чорак бўйича тўланган маблағ чорак охирида 1083745,6 минг сўм қолдиққа эга. Буни формула кўринишда ёзадиган бўлсак:

$$\text{Йил бошига қолдиқ} + \text{жами тушум} - \text{жами ҳаражат} = \text{Йил охирига қолдиқ}$$

$$39814,6 + 2450083,5 - 1406152,5 = 1083745,6$$

1 жадвал

**Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси бўйича
маблағлар ҳаракати (минг сўмда)**

1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи	39814,6
2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар – жами	2450083,5
шу жумладан, тушумларнинг турлари бўйича	
а) товар (иш, хизмат) реализациясидан	
б) фойдаланилмаётган давлатнинг мол-мулкларини ижарага беришдан	

в) ҳомийлик ёрдамларидан	
г) тежалган бюджет маблағларидан	
3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари – жами	1406152,5
4, Ҳисобот даври охирига пул маблағи колдиғи	1083745,6

Фарғона политехника институти бюджетдан ташқари маблағлари бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасида мавжуд бўлган 3276,0 минг сўм маблағига яна 2016 йил 1 апрел ҳолатига келиб 1217,9 минг сўм ижара пули сифатида қўшилди. Бу даврга 1406152,5 минг сўмлик харажат қилинди. Ва бугунги кунга келиб Фарғона политехника институти ўз ташкилотларни ривожлантириш жамғармаси бўйича ижарадан тушган пули 4493,9 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Фарғона политехника институтининг 2015-2016 йил даромадлари, яъни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини таққослаб кўрадиган бўлсак, 2016 йил I чорақда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан институтнинг даромадлари сезиларли даражада ошган. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

2 жадвал

Бюджетдан ташқари маблағларнинг солиштирма таҳлили (минг сўмда)

	Бюджетдан ташқари маблағлар	
	Тўлов-контрактдан тушадиган маблағлар	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари
2015 йил I чорақ	7055941,6	96758,4
2016 йил I чорақ	7366292,4	2450083,5
Фарқ	+310350,8	+2353325,1

Жадвалдан кўришиб турибдики, Фарғона политехника институтининг талабаларни ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидаги маблағларидан тушган

тушум 2015 йилнинг I чорагида 7055941,6 минг сўм бўлса, 2016 йилнинг шу даврида эса 7366292,4 минг сўмни ташкил қилган. Бунда жорий йил I чоракда тушумлар 310350,8 минг сўмга кўпайиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 4.9%га ўсган. Ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича эса 2015 йилда 96758,4 минг сўм, 2016 йилда 2450083,5 минг сўм тушум тушган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 2353325,1 минг сўм ёки 2432.2%га ортган. Жорий йилнинг I чорагида ўтган йилга нисбатан бунчалик катта фарқ билан ошишига сабаб – бу “Универсиада - 2016” спорт ўйинлари бўйича олий таълим муассасаларининг талабалари ўртасида ўтказиладиган Республика мусобақасининг якуний босқичлари Фарғона шаҳрида ўтказиладигани ва Фарғона политехника институти ҳам мусобақа бўладиган объектлардан бири бўлганлигидир.

3.3. Фарғона политехника институти ҳаражатлари ҳисоби

Бюджет муассасаларни молиялаштириш ва режалаштириш тартиби смета орқали амалга оширилади.

Сметали молиялаштиришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

- бюджет муассасалари ҳаражатларини иқтисодий режалаштириш ва ижтимоий ривожлантириш;
- ҳаражатлар ҳажми, унинг таркиби ва уни кварталлар бўйича тақсимлаш.

Смета ташкилотлар томонидан режалаштирилиб молия бўлимига топширилади ва тасдиқланади. Бу эса бюджетдан маблағ ажратиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Тасдиқланган смета режаси бюджет муассаси учун жорий йилдаги асосий ҳужжат бўлиб қолади.

Сметалар 3 гуруҳга бўлинади:

- якка тартибдаги;
- марказлашган бухгалтерия томонидан тузилган йиғма смета;
- тармоқ бўйича тузилган йиғма смета.

Йиғма сметаларни режалаштириш учун якка сметалар асос бўлади. Смета режасида кўрсатилган ҳаражатларни ҳар бир тури бўйича уларни бажарилиши давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб борилади.

Фарғона политехника институтининг 2016 йил учун тасдиқланган бюджет маблағларидан амалга ошириладиган ташкилотни сақлаб туриш ҳаражатлари 13808493,0 минг сўмдан, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси эса 5524059,0 минг сўмдан иборат. 2015 йил учун тасдиқланган ҳаражатлар сметасини кўрадиган бўлсак, ташкилотни сақлаб туриш ҳаражатлар сметаси 12263962,0 минг сўм, бундан бажарилган ҳақиқий ҳаражатлар 12117459,9 минг сўмни ташкил этди, шундан меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси 4775458,0 минг сўм, ҳақиқий ҳаражатлар эса 4702389,9 минг сўмлик амалга оширилган. Кўриб турганимиздек институтнинг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган маблағлари 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1544531,0 минг сўм ёки 12.6%га фарқ қилмоқда. Бунга сабаб қилиб 2016 йилда 2015 йилга нисбатан талабалар контингенти ошганлиги, энг кам иш ҳақи миқдорининг йил давомида ошиб келинаётганлиги каби бир қанча омилларни келтиришимиз мумкин.

Энди эса Фарғона политехника институтининг 2015 йил учун ҳаражатлар сметасини чораклар бўйича таҳлилини кўриб чиқамиз.

Фарғона политехника институтининг 2015 йил учун ҳаражатлар сметаси I чорак учун жами қиймати 2638180,0 минг сўм бўлиб, бундан:

I гуруҳга 2391200,0 минг сўмлик

II гуруҳга 222240,0 минг сўмлик

IV гуруҳга эса 24740,0 минг сўмлик тақсимот қилинган.

II чорак учун жами ҳаражатлар 3341050,0 минг сўмдан иборат бўлиб, шундан:

I гуруҳ ҳаражатлари 2850000,0 минг сўмни

II гуруҳ ҳаражатлари 298900,0 минг сўмни

IV гуруҳ ҳаражатлари 192150,0 минг сўмни ташкил қилади.

Фарғона политехника институтининг 2015 йилга тасдиқланган харажатлар сметасида III чорак учун ажратилган харажатлар суммаси 3207260,0 минг сўм. Бу суммадан I, II ва IV гуруҳларга мос равишда 2598491,0 минг сўм, 317339,0 минг сўм ва 291430,0 минг сўм миқдорида бўлинган.

IV чорак учун ажратилган харажатлар суммаси эса 3000016,0 минг сўмни ташкил қилади. Бундан :

I гуруҳ харажатлари 2595800,0 минг сўмдан

II гуруҳ харажатлари 267553,0 минг сўмдан

IV гуруҳ харажатлари 136663,0 минг сўмдан иборат бўлган.

2015 йилнинг ҳамма чоракларида ҳам харажатлар суммасининг асосий қисмини I гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар банд қиляпти. Бу тўрт чорак ичида II чорак учун қолган чоракларга нисбатан кўп маблағ ажратилган.

Фарғона политехника институти учун 2015 йилга тасдиқланган харажатлар сметасида ажратилган маблағларнинг ҳаммаси бўлиб:

I гуруҳ Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 10535976 минг сўм,

II гуруҳ харажатлари учун ажратилган сумманинг ҳаммаси 1083878 минг сўм ҳамда IV гуруҳ харажатлари бўйича эса 644108 минг сўмни ташкил қилади.

Фарғона политехника институтининг 2015-2016 йилларнинг I чораклари учун тасдиқланган смета харажатларини таққослаб кўрамиз. Бунда институтнинг бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилган харажатларни таҳлил қиламиз.

3 жадвал

Фарғона политехника институти харажатларининг солиштирма таҳлили (минг сўмда)

	Бюджет маблағлари	Бюджетдан ташқари маблағлар	
		Тўлов-контрактдан тушадиган маблағлар	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари
2015 йил I чорак	2118408,3	3108116,6	58325,1

2016 йил I чорак	2755508,3	4038884,8	1406152,5
Фарқ	+637100,0	+930768,2	+1347827,4

ХУЛОСА

Ушбу битирув малакавий ишни якунлаш олдидан, уни тайёрлаш жараёнида ўрганилган ва ўзлаштирилган ҳолатлар бўйича қуйидагича хулосаларни билдиришимиз мумкин.

Жумладан, мамлакатимизда бухгалтерия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиб қоидалари бутун жаҳон тан олган ҳисоб қоидалари, яъни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига максимал даражада яқинлаштирилган миллий стандартлар асосида олиб борилмоқда. Бу эса ҳисоб маълумотларини мукамаллаштириш, ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китоб ишларини тез муддатларда бажаришига имкониятлар ва шароитлар яратди.

Мазкур битирув малакавий иш мавзусининг ўзига ҳос жихати шундаки, иш учун танланган объект бюджет ташкилоти эканлигидир. Бугунги кунда мамлакатимизда бюджет соҳаларида ҳақиқий ҳаражатлар ва бюджет ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида кенг миқёсдаги иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар, албатта, бюджет ташкилотларини ривожланишида асосий туртки бўлади.

Битирув малакавий иш мавзусини ёритишда, зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат кўмитаси, идора, давлат ташкилоти, яни бюджет ташкилотининг даромадлари ва ҳаражатлари ва шу ўринда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари, ҳаражатлар сметалари ижросини бухгалтерия ҳужжатларида қандай юритилиши ва энг асосийси бўлиб, Фарғона политехника институти даромадлари ва ҳаражатлари ҳисоби ҳақида фикр юритдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Фарғона политехника институти бухгалтерия ҳисобида даромадлар ва ҳаражатлар ҳисобини юритишда “Бюджет ташкилотлари даромадлари ва ҳаражатларининг бухгалтерия

ҳисоби тўғрисида”ги Низомга амал қилган ҳолда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилган.

Мазкур Низом билан бюджет ташкилотларининг қуйидаги даромадлари ва ҳаражатларининг бухгалтерия ҳисоби юритилиши тартибга солинади:

- ✓ Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;
- ✓ Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари;
- ✓ Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар.

Ушбу битирув малакавий ишда юқорида санаб ўтилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда материаллар тўпланиб, изланишлар олиб борилади ва бюджет ташкилотларида даромадлар ва ҳаражатлар ҳисобини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида амалга оширилаётган ўзгаришлар кенг миқёсда очиқ беришга ҳаракат қилинади.

Битирув малакавий ишини ёритиш давомида илова сифатида Фарғона политехника институтининг 2015-2016 йиллар бухгалтерия ҳужжатлари олинди. Бу бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда битирув малакавий иши мавзусига мувофиқ тарзда Фарғона политехника институтининг 2015-2016 йилларда амалга оширган даромадлар ва ҳаражатларини таҳлил қилиб чиқилди ва институтнинг даромадлари ва ҳаражатлари ҳисобини батафсил ёритилди.

Битирув малакавий ишнинг биринчи, иккинчи ва учинчи бобларида мос равишда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари ва мазмуни, бюджет ташкилотларида даромадлар ҳисоби ва бюджет ташкилотларида ҳаражатлар ҳисоби ҳақида сўз юритилди.

Фарғона политехника институтининг даромадлари ва ҳаражатлари таҳлили режага мувофиқ иккинчи ва учинчи бобларда ёритилди.

Бир сўз билан айтганда мамлакатнинг ривожланишида бюджет ташкилотлари давлат томонидан молиялаштириб бириктирилган ҳаражатлар сметасидаги суммаларни қилинадиган ҳақиқий ҳаражатлар билан

мувофиқлиги ва бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар билан ўз-ўзини таъминлаши ҳам катта аҳамият касб этади.

Битирув малакавий ишини ўрганиш чоғида қуйидагиларни таклиф сифатида киритишимиз мумкин:

1) Фарғона политехника институтининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисоб ва ҳисоботини такомиллаштириш, ҳар бир ходимга иш ҳақи бўйича таблеграмма бериш.

2) Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобини иложи борича ойнинг 5 саналарига беришни йўлга қўйиш.

3) Институтнинг бўш турган жойларини, биноларини ижарага бериб бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш.

4) Меҳнат сафарига кетаётган ўқитувчи ва ходимларни меҳнат сафарига сарф-ҳаражатларини нақд пул бериш.

5) Бюджет ташкилотларида меҳнат таътилига ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида ҳисобини бериш.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Узбекистан, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги қонуни билан тасдиқланган).
3. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни (2005 йил 23 май, 2005 йил 19 декабр, 2005 йил 31 декабр ва 2007 йил 27 апрелда киритилган ўзгартиришлар билан).
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги янги Қонуни. (Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган)

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПК-594-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 26 июндаги 129-сонли қарори билан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 ноябрдаги ПК-227-сонли «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ва унга илова қилинган «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартиби» (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли, 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли ва 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПК-532-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 июлдаги 148-сонли қарори билан киритилган ўзгартиришлар билан).

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли қарори (Бу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги тўғрисидаги низом тасдиқланган).

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

19. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Тошкент оқшоми» газетаси, 2006 йил 13 феврал, 29(10.586)-сон.

20. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 29 январ.

21. Каримов И. А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида, - Т.: Ўзбекистон, 2005.

V. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

22. «Бюджет ташкилотлари даромадлари ва ҳаражатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Низом (23.12.1999 йил N859 сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган).

26. Молия вазирлигида ва молия органларида бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини рўйхатга олиш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 13 декабрда 849-сон билан рўйхатга олинган).

28. Бюджет ташкилотларининг даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 23 декабрда 859-сон билан рўйхатга олинган).

34. Бюджет ташкилотлари томонидан муассаса ва ташкилотларга вақтинча фойдаланилмаётган давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 7 январда 869-сон билан рўйхатга олинган).

35. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 19 февралда 1009-сон билан рўйхатга олинган).

47. Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғўртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 6 апрелда 1333-сон билан рўйхатга олинган).

59. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 31-32-13/305-2-сонли «Бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобининг счётлар режасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киртитиш тўғрисида»ги хати.

60. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда 2169 сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

VI. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

62. Остонакулов М. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ижросининг бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Здравплюс/ЮСАИД, 2004.

64. Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. -Т.: «Iqtisod- moliya», 2007.

65. Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби (2008 йил 1 январдан киритилган ўзгаришлар) -Т.: «Iqtisod-moliya», 2008.
72. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. Инглиз тилидан профессор Соколов Я.В. тахрири остида қилинган таржима. М.: “Финансы и статистика” 2003.
73. Хендриксен Э., Ван Бреда М., Теория бухгалтерского учета. Инглиз тилидан профессор Соколов Я.В. тахрири остида қилинган таржима. М.: “Финансы и статистика” 2003.
74. Ваҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф., Молиявий ва бошқарув таҳлили. Т. :-“Шарқ” 2005.

VII. Газета ва журналлар

75. «Бозор, пул ва кредит» журнали.
76. «Ўзбекистон иқтисодий Ахборотномаси» журнали.
77. Журнал «Финансы».

VIII. Интернет сайтлари

78. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати сайти).
79. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти).
80. <http://www.soliq.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси сайти).
81. <http://www.budgetrf.ru> (Россия Федерацияси бюджет тизими сайти).
82. <http://www.ziynet.uz>